

Бола  
соғлиги —  
она бойлиги.

Ўзбек халқ мақоли



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 1-dekabr, chorshanba № 94 (8327) ISSN 2010-6416

## 2010-yil — Barkamol avlod yili

### ЁШ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Тошкентда 29-30 ноябрь кунлари «Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод тарбиясининг асоси» мавзуда халқаро форум бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари, БМТнинг гиёҳ-

ванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Украина, Исроил, Қозоғистон каби давлатлардан мутахассислар, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Форумда Президентимиз

Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)



### ЯНГИ АВЛОД АДАБИЁТЛАРИ

танловларда сараланмоқда

Замон талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош малакали кадрларни тайёрлашда дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ўрни бекиёс. Зеро, адабиётлар ўқувчи ва талабаларнинг иккинчи муаллими ҳисобланиб, уларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий давом этиб келаётган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танлови яратилаётган ўқув қўлланма ва адабиётларнинг

сифат жиҳатдан такомиллашиши, хизмат мuddати узайтирилишига, узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, бу танлов орқали янги авлод ўқув адабиётларини яратишда иштирок этувчи амалиётчилар ҳамда назарийчилар ҳамкорлигидаги муаллифлар гуруҳи шакллантирилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### ВАТАН ШАРАФИ УЧУН КУРАШМОҚ БАХТИ

Тошкент халқаро аэропортида XVI ёзги Осиё Ўйинлари совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди



Ўзбекистон спортчилари жорий йилнинг 12—27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё Ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шухратига шухрат қўшгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Қитъамизнинг энг йирик спорт фестивалида 11 олтин, 22 кумуш ва 23 бронза, жами 56 медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларимизнинг ота-оналари ва яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда мухлислар йиғилди.

Ўзбекистон спортчиларининг Осиё Ўйинларида эришган муваффақиятлари

мустақиллик берган улкан имкониятлар, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши спортнинг ёшлар ўртасида оммалашувида муҳим омили бўлмоқда. Юртимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари, стадионлар, спорт майдонлари барпо этилди, спорт анжонлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Бундай спорт иншоотларида тарбияланаётган спортчиларнинг янги авлоди халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтармоқда.

(Давоми 15-бетда.)

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА

www.uzedu.uz

СОҒЛОМ  
ФАРЗАНД —  
ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

7-бет


КЕЛАЖАК  
КОНЦЕПЦИЯСИ  
ЁШЛАР  
ТАШАББУСИДА

3-бет

ОПТИМАЛЛАШ-  
ТИРИЛГАН  
МАВЗУЛАР

Ўқувчиларнинг билим самарадорлигини янада оширади

5-бет



6-бетга қараг

ОҲАНРАБО  
у инсониятнинг нега узига  
ҳануз маҳлиё этиб  
келмоқда?

12-бет

ТУРТТА ТУГМАЛИ  
КЛАВИАТУРА

13-бет



## ЯНГИ АВЛОД АДАБИЁТЛАРИ танловларда сараланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу йилги танловда 102 номдаги адабиётни яратишда иштирок этган жами 183 нафар муаллиф қатнашди. Дарслик ва ўқув адабиётларнинг 81таси олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича, 14таси ўрта махсус, касб-хунар таълими ва 7таси умумий ўрта таълим адабиётларини ташкил этади.

Мазкур танловнинг 2010 йилги натижаларига кўра, 49 та ўқув адабиётлари ва уларнинг муаллифлари голиб деб топилди. Унда 13та 1-ўрин, 19та 2-ўрин ва 17 та 3-ўринлар белгиланди. Шунингдек, 24та ўқув адабиёти ва уларнинг муаллифларига рағбатлантирувчи ўринлар берилди.

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида мазкур голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Голиблар вазирлик ва идораларнинг қимматбахо совғалари ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Тадбир давомида Тошкент давлат санъат институти ва Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар қатнашчиларни хушнуд қилди.

**МУХБИРИМИЗ**

## ЁШ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг баркамол авлодни ҳар жиҳатдан вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтиришга оид қатор қарор ва фармонлари бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Форумда мамлакатимизда ўтган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужжасам этган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлар, янги туғруқхоналар барпо этиш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

— Соғлом авлод ҳар бир жамиятнинг муҳим бўғини ва порлоқ истиқболи ҳисобланади, — деди «Intel» дастурлаш тизимининг МДХ мамлакатларидаги корпоратив масалалар бўйича менежери Татьяна Нанаева (Украина). — Шу боис ёш авлодни жисмонан ва маънан камол топтириш алоҳида эътибор талаб этади.

Ушбу халқаро форумнинг ташкил этилиши жуда фойдали бўлди. Унда турли мамлакатлардан келган етакчи экспертлар орқали бу борада жаҳон миқёсида олиб борилаётган ишлар билан танишиш баробарида, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлганимиздан мамнунмиз. Юртингизда Президент Ислам Каримов томонидан соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни

тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Қабул қилинган фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ўз самараларини бераётгани бунинг ёрқин далолатидир. Ушбу анжуман бу борадаги ишлар самарасини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда барча соҳаларда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада тақомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона ғоя мужжасам. Бу ғоя, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилаётди. Баркамол авлод йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилди. Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамғармаси турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кўплаб ижтимоий-маърифий, спорт-соғломлаштириш лойиҳаларини

муваффақиятли амалга оширмоқда.

— Ушбу халқаро форум Ўзбекистонда болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва бунинг учун қулай шароит яратиш борасида давлат ташкилотлари, жамоатчилик бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиқдаги саъй-ҳаракатлари билан танишиш имконини берганидан жуда мамнунмиз, — деди Европа Уйининг Ўзбекистондаги ватополхонаси раҳбари Пьер-Поль Антуансенс. — Биз юртингизда барча соҳаларда, хусусан, ижтимоий жаҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз. Ташкилотимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликда болалар ҳимояси йўналишида қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Тадбирда бола ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, унинг камол топиши учун ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга йўналтирилган амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, маҳаллий ва хорижий илғор инновацион технологиялар асосида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича самарали таълим-тарбия дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни қўшимча таълим тизимига — соғломлаштириш ва профилактика, маданият ва спорт, экологик тарбия, ёзги хордиқ ва болалар туризми, турли тўғарақлар ва ижодий уюшмалар, меҳнат ва касб таълими, техник ва бадий ижодкорликка кенг жалб қилиш, бу борада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофича фикр алмашилди.

(ЎЗА)



## ҚЎШИМЧА РАҒБАТ

ёшларга моддий ва маънавий далдадир

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан «Баркамол авлод йили»га бағишланган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган иқтидорли, ота-онасиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан таъсис этилган устама стипендиясини қўлга киритган талабаларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Биз ёшларга кўрсатилган

ғамхўрлик ва эътибордан жуда миннатдормиз. Билдирилган ишончни оқлашга, бор куч-ғайратимиз билан илм олишга ҳаракат қиламиз. Бу каби стипендиялар нафақат моддий, балки маънавий ва руҳий ёрдам, далдадир, — дейди устама стипендия совриндорларидан бири, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти талабаси Зилола Анақулова.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилда Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги олий ўқув юртлирида таълим олаёт-

ган 19 нафар кам таъминланган талабаларга бир йиллик таълим шартнома маблағлари тўланди. Республика бўйича 150, Тошкент шаҳридан 32 нафар талаба устама стипендия соҳиб бўлди.

Шунингдек, тадбир давомида жамиятимиз бир бўлаги бўлган касаба уюшмалари ҳаётида фаол иштирок этаётган талаба-ёшларга эсдалик совғалари топширилди. Кеча сўнгида йиғилганларга Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг «Тақдир синовлари» спектакли намойиш этилди.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси  
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ  
олган суратлар.**

## ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини ўрганиш юзасидан ўқув-семинари ўтказилди.

Айни кунда институтда маънавий-маърифий умуштаълим мактаб директорлари, туман, шаҳар методкабинет мудирлари ва институт профессор-ўқитувчилари семинар иштирокчилари бўлишди.

Маърузанинг мазмун-моҳияти бўйича институт «Маънавият асослари» кафедраси мудир, тарих фанлари номзоди, доцент Абдурахим Ҳасанов ва шу кафедранинг катта ўқитувчиси, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков маъруза қилдилар.

Давлатимиз раҳбари маърузасидаги энг муҳим йўналишлар, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим устувор вазифаларини тингловчиларга етказиш мақсадида олти соатлик факультатив ўқув курси, ўқув мавзу режаси ва дастури, маъруза матни ҳамда слайдлар тақдим этилди. Шунингдек, институт томонидан маърузанинг мазмун-моҳиятини халқ таълими тизимидаги ўқув муассасаларида ўрганиш бўйича кўргазмалар воситалар ҳамда тест на-

муналарини ўз ичига олган тавсия ҳам тайёрланган. Тингловчилар маърузадаги талаблар ва кўрсатмаларни ўрганиш бўйича ўқув семинаридан керакли хулоса чиқариб, келажак режаларини тузиб олишди.

— Маъруза билан танишиб чиқар эканман, унда бугунги кун демократик ўзгаришларини янада чуқурлаштиришнинг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилганига амин бўлдим. Семинар жараёнида сиёсий шарҳловчи маърузанинг туб моҳиятини ёритиб берди, — дейди Муборак туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби директори Шамсиддин Оқмаматов.

Семинарда умуштаълим мактабларида маърузанинг мазмун-моҳиятини ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига сингдириб ўқитиш ва буни келгусида факультатив ўқув дастури асосида давом эттириш режалаштирилди.

**Дилфуза ТОШКЕНБОВА,  
«Ma'rifat» мухбири**

Президентимизнинг жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” деб номланган маърузасида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишдаги зарурий аҳамият касб этувчи масалалар ўртага ташланди. Жумладан, мазкур Концепцияда Юртбошимиз давлат ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, ҳокимият тармоқларини, хусусан, парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.



# КЕЛАЖАК КОНЦЕПЦИЯСИ ЁШЛАР ТАШАББУСИДА

Мамлакатимиз ва халқимиз эртанги кунини белгилаб берган мазкур маъруза кенг жамоатчилик ўртасида, шунингдек, олий таълим муассасаларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Айниқса, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари бу борада олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Хусусан, ушбу муассаса талабалари ташаббуси билан университет илмий кенгаши ва «Камолот» ЁИХ қўшма йиғилишида концепцияни ўрганиш, таҳлил қилиш, уни юртдошларимизга кенг тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш юзасидан ўқув услубий ҳамда илмий тадқиқот фаолиятини ўзида акс эттирувчи уч босқичли тизим ишлаб чиқилиб, профессор-ўқитувчи ва иқтидорли талабалардан ташкил топган Ахборот-тарғибот гуруҳи тuzилди.

— Дастлабки босқичда, — дейди ЖИДУнинг Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Шаҳноза Акрамова, — Ахборот-тарғибот гуруҳига кирган талабалар учун Концепцияни ўрганиш юза-

лохотларни янада чуқурлаштириш ша-роитида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда университет талабалари Концепциянинг асосий йўналишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш йўллари, ижтимоий шериклик, жамоат назоратини ўрнатиш шакллари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг аҳамияти, давлат ва жамият бошқаруви-ни ислох қилишда, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада жадаллаштиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни, фуқароларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият-ни шакллантириш ва ошириш йўллари каби масалаларга атрафлича тўхта-либ ўтдилар.

Таъкидлаш жоизки, тадбир ёшлар ва катта авлод вакиллари ўртасида жон-ли мулоқот тарзида кечди. Шунингдек, маҳалла фаоллари концепцияда белги-ланган вазифаларни амалга ошириш

зу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таъкидландики, ўзлари таълим олаётган муассасалардаги тенг-қурлари орасида Концепция мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда маз-кур давра суҳбатидан олган билим ва кўникмалари ёрдам беради. Мулоқот жараёнида ўқувчилар Концепциянинг асосий ғояларини ўрганишда лицей ва коллежлар ўртасидаги ҳамкорлик шак-ллари хусусида ҳам фикрлашиб олди-лар.

Ҳафтанинг сўнги кунини да бўлиб ўтган навбатдаги семинар-тренингда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республикадаги 74та олий таълим муассасаси ва улар фили-алларининг “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди. Давра суҳбатлари чоғида ишти-рокчилар Концепциянинг асосий ғояла-рини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг аҳамияти, келгуси-да ушбу соҳадаги ислохотларни яна-да чуқурлаштиришда халқаро ҳуқуқий

миз турли усуллар, жумладан, семинар-тренинг, анжуман, давра суҳбати ҳамда ўзаро мулоқот шаклларида кенг фой-даланмоқда. Шунингдек, Концепция доирасидаги мавзулар ҳар бир аудито-риянинг ёши ва ҳаётий фаолиятдан келиб чиқиб танланмоқда.

**Йўлдош КАРИМОВ, “Бўзарик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Жаҳон иқтисодиёти ва диплома-тия университетлари талабаларнинг Юрт-бошимизнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Се-натининг қўшма мажлисида қилган нут-қи юзасидан олиб борган давра суҳба-тида Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция билан яқиндан та-нишдик ва у билан боғлиқ бўлган са-волларимизга аниқ ва тўлиқ жавоб ол-дик. Концепцияда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва но-давлат нотижорат ташкилотларига доир илгари сурилган ғоялар ва фикр-муло-ҳазалар ёшлар томонидан кенг тушун-тириб берилди.

Тан олиб айтиш керак, шахсан мен бу учрашувда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш соҳаси бўйича келгуси-да амалга ошириладиган ишлар юзаси-дан ҳамда халқаро тажрибага оид зару-рий билимларни айнан ёшлардан ўргандим. Келажакимиз шундай серғай-рат, шижоатли, фаол ва сиёсий уйғоқ ёшлар қўлида эканлиги бизни жуда мамнун қилди.


**Саида НАЖМИДДИНОВА, “Оққўр-ғон” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахло-қий тарбия масалалари бўйича мас-лаҳатчиси:**

— Ўз навбатида ушбу анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар биз — маҳалла фаолларига ҳам маърузада ил-гари сурилган таклифларни жойларда тарғиб қилишда катта ёрдам беради. Ушбу тарғибот-ташвиқот ишларида кел-гусида мазкур университет талабалари билан ҳамкорлик қилишимиз янада қувонарли ҳол. Сабаби, улар ахборот етказишнинг замонавий усуллари ор-қали кўзланган мақсадга аниқ бориша-ди. Ундан ташқари маҳалларимизда аҳолининг кўпчилиги ёшлар. Улар бир-бирини яхши тушунишади.

**Ш.АНВАРОВ, ЎЗМУ соҳидаги Со-бир Раҳимов академик лицейи ўқувчиси:**

— Бугун бўлиб ўтган семинар-тре-нингнинг “Тенгдош-тенгдошга” тамо-йили остида ташкил этилганлиги менга жуда ёқди. Асосий маърузачилар ҳисобланмиш талабалар содда, раван тилда, шунингдек, бизнинг ёшимиз, интеллектуал салоҳиятимиз имконият-ларидан келиб чиққан ҳолда Концеп-циянинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришди. Бу эса барча иштирокчилар-да катта қизиқиш уйғотди ва қарийб ҳамма баҳс-мунозаралар жараёнида фаол иштирок этди.

**А.УМАРОВ,  
“Ma'rifat” муҳбири  
Бурҳон РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.**



сидан семинар-тренинг ташкил этилиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида унинг мазмун-моҳиятига ба-ғишланган «Энг оммабоп мақола» тан-лови эълон қилинди. Шунингдек, Ах-борот-тарғибот гуруҳининг келгуси фа-олияти учун зарур бўладиган тақдимот ва тарқатма материаллари тайёрланди. Ушбу гуруҳ томонидан Мирзо Улугбек туманида жойлашган маҳаллалар, мак-таблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар-да Концепцияда белгиланган йўналиш-лар ва асосий вазифалар ҳақида маъ-лумот бериш, тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақ-садида 27 ноябрдан 25 декабргача 10 дан ортиқ маҳалла, 50 га яқин мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллеж-ларида ҳамда 30 га яқин ташкилот ва корхоналарда семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказиш режалашти-рилди.

Жумладан, ўтган ҳафтада мазкур ти-зимли ишларнинг иккинчи босқичи доирасида ЖИДУда тадбирлар бўлиб ўтди. Дастлаб, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 52та маҳалла фа-оллари иштирокида “Демократик ис-

билан боғлиқ ташкилий тадбирлар маз-муни, уни тарғиб қилишда кенг жамо-атчилик, шу билан бир қаторда ёшлар-нинг иштироки ҳақида ўз фикр-муло-ҳазаларини билдиришди. Тадбир яку-нида маҳаллаларда келгусида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва уни жорий этиш йўллари ҳам белгилаб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган “Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалти-риш — ислохотлар кафолати” мавзуси-даги илмий-амалий семинарда пойтах-тимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таъ-лими муассасаларида таҳсил олаётган илғор ва етакчи ёшлар иштирок этди. “Тенгдош-тенгдошга” тамойили асоси-да ташкил этилган мазкур анжуманда талабалар ўз издошларига Концепция-нинг мазмун-моҳиятини замонавий пе-дагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиб, содда ва мазмунли қилиб тушунтириб бердилар.

Тадбир давомида ўқувчилар Концеп-цияда илгари сурилган асосий ғоялар-ни ёшлар орасида тарғиб қилиш йўлла-ри билан танишдилар.

Маърузалардан сўнг бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда иштирокчилар мав-

норма ва стандартлардан фойдаланиш каби мавзуларни муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмуни ва йўналишини ёшлар тўлиқ ва тўғри англаши янада муҳим. Зеро, бугунги ўқувчи ёки талаба эртага бирор соҳа мутахассиси, жамиятнинг фаол аъзоси-га айланиши, шубҳасиз.

Ўтказилган мазкур тадбирлар ЖИДУ Ахборот-тарғибот гуруҳи олиб бораёт-ган ишларнинг бир қисми холос. Гуруҳ аъзолари навбатдаги босқичда тарғи-бот-ташвиқотнинг жўғрофиясини янада кенгайтиришга эътибор қаратганлар.

**Шохруз САМАДОВ, ЖИДУ халқа-ро ҳуқуқ факультети талабаси:**

— “Ахборот-тарғибот” гуруҳимизнинг асосий мақсади Концепцияда ўз ифо-дасини топган тараққиётимиз йўлида эришилган муҳим натижалар, демокра-тик ислохотларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш юзасидан илгари сурилган ғоя ва таклифлар, кейинги ривожланиш босқичларида олдимизда турган вазифалар ҳақида аҳолига батафсил тушун-тириш беришдан иборат. Тарғибот-таш-виқот тадбирларини ўтказишда гуруҳи-

**✓ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА «ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анжуманнинг ялпи мажлисида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари, маънавиятни юксалтиришда миллий ғоя ва қадриятларнинг ўрни, маънавий ахлоқий тарбия: назарияси ва амалиёти каби мавзуларда мутахассислар маърузалари билан бошланди.

Анжуманда «Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари», «Ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммолари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш» каби йўналишлар бўйича 80дан ортиқ маъруза тақдим этилди. Илмий-услубий анжуман материаллари тўплам ҳолида нашр этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**✓ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ 22-МАКТАБДА «КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСКИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР БОШЛАНИШИДАН ОЛДИН ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН КОНСТИТУЦИЯНИНГ БАРЧА БОБ ВА БЎЛИМЛАРИ МАЗМУН-МОҲИАТИНИ АКС ЭТТИРГАН ЧИҚИШЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.**

Мактаб ўқувчиларининг кўрик-танловга тайёрлаб келган ижодий ишлари ҳайъат аъзолари томонидан синчиклаб ўрганилди ва ҳолисона баҳоланди.

Жиззах шаҳридаги 22-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Салоҳиддин Жалолов диктантлар, шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Саидпошша Маҳмудова иншолар йўналиши бўйича биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Тасвирий санъат йўналиши бўйича танлов ғолиби ҳам шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бахтинисо Ақбўтаева бўлди. Фотоальбом йўналиши бўйича танловда Зарбдор ва Жиззах тумани ёшлари совринли ўринларга сазовор бўлишди.

Шу куни «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Барча шартлардан юқори балл тўплаган Жиззах шаҳридаги 22-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мирза Раҳматов 1-ўринни эгаллади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

**✓ БАДИЙ ИЖОДНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — ИНСОННИ ИНСОНГА КЎРСАТИШДАН ИБОРАТ, ДЕГАН ЭДИ АДАБИЁТШУНОС ОЛИМЛАРДАН БИРИ. АСАРЛАРИДА МАНА ШУ УЛУҒ МАҚСАДНИ АМАЛГА ОШИРА ОЛГАН, ЎЗ СЎЗИ ВА ОВОЗИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, МОХИР ҲАЖВЧИ САИД АҲМАД ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХОТИРА КЕЧАСИ ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА БАРЧА ИЖОД АҲЛИНИ ДИЙДОРЛАШТИРДИ.**

Сўзга чиққанлар адибнинг саксон етти йиллик умр ва ижод йўли, асарларининг беқиёс ва ўзига хос жиҳатлари, инсоний бағрикенглик ва софдиллиги ҳақида фикр юритишдики, бу ўз навбатида йиғилганлар кўз ўнгида етук шахс, ўткир қалам соҳиби — замон қаҳрамонини гавдалантирди.

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Саид Аҳмад санъати» ҳамда Умарали Норматов муаллифлигида босилган «Уфқларнинг чин ошиғи» китоблари адиб таваллудининг 90 йиллигига ҳамда ёзувчининг мухлисларига муносиб тўхфа бўлди.

— Биз ёш ижодкорлар бугунги тадбирда Саид Аҳмаднинг бой ва беқиёс ижоди билан бирга бугунги ўзбек адабиётининг етук вақиллари, шоир, ёзувчилар билан ҳам яқиндан танишдик, — дейди Республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси Акбар Рустамов.

Гулчехра АШУРОВА,  
ЎЗМУ талабаси



**✓ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШГА ЁШЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ — ХАЙРЛИ ИШ. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 307-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА 1-СИНФЛАР ХИБОНИ БАРПО ЭТИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

15 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий тадбирда 2010-2011 ўқув йилида қабул қилинган 191 нафар ўқувчи, уларнинг синф раҳбарлари, ота-оналари иштирокида янги хибон барпо этилди. 6та 1-синф ўқувчилари томонидан 90 туп манзарали дарахт экилди. Болажонлар ўз қўллари билан эккан дарахтларни мактабни битиргунларига қадар парвариш қилиб боришади.

— Битирувчи синф ўқувчилари 1-синфга қадам қўйган болажонларга кўчат экишда кўмак беришди. Бу эса авлодларни бир-бирига боғлайди, — дейди ўқитувчи Раҳима Караева.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

**✓ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИДА «КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСКИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ.**

Кўрик-танловнинг «Президент асарлари билимдони» номинацияси бўйича 1-ўринни Асака туманидаги 6-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Абдумўмин Султонов эгаллади. Андижон шаҳридаги 35-ихтисослашган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Камоллидин Абдуллаевнинг «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» мавзусида ёзган иншоси 1 ўринга лойиқ деб топилди. Расм-плакатлар йўналиши бўйича эса Қўрғонтепа туманидаги 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шоҳсанам Юсупова чизган суратлар энг яхшиси бўлди. Мавзу бўйича видеороликлар тайёрлашда ҳам шу тумандаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Иброҳимжон Отажоновга биринчи ўрин насиб этди.

О.СИДДИҚОВ

**✓ ЮРТИМИЗДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ СИФАТ ЈИҲАТДАН ЯНГИ, ЮҚОРИ БОСКИЧГА КЎТАРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР.**

Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактабда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан ташкил этилган «Рус тили ва адабиёти фани ўқитилишида янги педтехнология ва инновацион технологияларнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий семинарда ҳам худди шу мақсад кўзланди.

Семинарда Республика таълим маркази, ТШПҚТМОЙ ходимлари, рус тили ва адабиёти фанларидан дарс берувчи устоз ва шогирд ўқитувчилар тақлиф этилди.

— «Ноябрь — рус тили ва адабиёти фанлари ойлиги» ниҳояланди, — дейди ТШХТББнинг хорижий тиллар методисти Саидахор Сейткамолов. — Ойлик ушбу фанлардан таълим сифатини ошириш ва бу жараёнга илғор педагогик, ахборот ва инновацион технологияларни жорий этиш, ташаббускор, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ва уларга узлуксиз методик ёрдам кўрсатишга имконият яратди.

Дилшод КАРИМОВ

**✓ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 109-МАКТАБДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИНИНГ ЯКУНИЙ ФЕСТИВАЛИ ТУМАН МИКЎСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Тадбирда ҳар бир иштирокчининг тайёрлаб келган ижодий ишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, рус тили дарси жараёнидаги лавҳалар, ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг асарларидаги қаҳрамонлар акс эттирилган деворий газеталар, рефератлар фестивалнинг аҳамиятини янада оширди. Айниқса, мезбон мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган байрам дастури ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда ўзбек халқ эртақларининг рус тилидаги таржимаси асосида сахна кўринишлари, шеър ва кўшиқлар гулдастаси тақдим қилинди.

— Намойиш этилган ижод намуналарида ўқувчиларнинг фан ойлиги давомида олган билимлари акс этган, — дейди мактаб директори Марғуба Турсунова. — Фан ойлари тадбирларида фаол иштирок этиб келаётган бу ёшлар ҳар бир машғулотга ижодий ёндашиш ижобий самара беришини англаб етмоқдалар.

Шундан сўнг ҳакамлар ҳайъати томонидан ижодий ишларнинг баҳолари эълон қилинди. Унга кўра, санъатга ихтисослаштирилган «Ором» мактаби жамоаси биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Иккинчи ўринни 287-мактаб жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўрин 106- ҳамда 14-мактаб ўқитувчиларига насиб этди.

Анвар ҚОБИЛОВ

**✓ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ОНА-ТАБИАТГА МУҲАББАТНИ ОШИРИШ, СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА «БОЛАЛАР ВА СУВ» МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ЁШЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Республикаимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан мактаб, туман, вилоят босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар иштирок этган экофестивал тўрт йўналишда ташкил этилиб, унда иштирокчилар ўз билимларини синаб кўришди.

— Бугунги экологик фестивал Халқ таълими вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, «Экосан» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда, — дейди Республика ёшларининг Биозекосан ўқув-услубий мажмуаси директори, профессор Ҳасан Бўриев. — Мақсадимиз, ҳар бир ўқувчи миллий урф-одат ва қадриятларимиз асосида табиат эҳсонларини исроф қилмасликни ҳаётини заруриятга айлантириб, экологик маданиятни ўзида шакллантириб борсин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири



Суратда: экофестивалнинг экологик расмлар танлови йўналиши ғолиби форишлик Руслан Камолов ва унинг ижодидан намуна.

**✓ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЎШРАБОТ ТУМАНИДАГИ 12-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛДИ.**

Тумандаги 11та мактабнинг 180 нафар спортчи ўқувчи қизлари иштирок этган мусобақанинг айнан шу даргоҳда ўтказилиши бежиз эмас. Мактабда бадий гимнастика билан шуғулланиш бўйича мустақам база яратилган. Тўғарақда шуғулланаётган спортчи-қизлар вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган беллашуларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мусобақада 85-умумтаълим мактаби биринчи, мезбонлар иккинчи, 49-мактаб қизлари эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Ўқувчилардан Мақсуда Эшқулова, Чарос Наврўзованинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар томонидан юқори баҳоланди.

— Қишлоқ ёшлари ўртасида ўтказилаётган бундай беллашулардан асосий мақсад, ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишдир, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили Абдуҳамид Тўхтаров.

Х.ТҲИМАНОВА

Ўқув жараёнида толиби илм бир мавзунини батафсил тушуниб етмаса, ўз-ўзидан навбатдагисини ҳам англашда оқсайди. Табиийки, бундай ҳолнинг давом этиши ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишининг сусайишига олиб келади. Шунинг учун ёш авлодни юксак билим ва тафаккур соҳиб қилиб тарбиялашда берилаётган дарсларнинг узвий ҳамда узлуксиз бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мавзуларнинг бири-бирини тўлдириши, ўқувчиларнинг руҳий-физиологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда оддийликдан мураккабликка қараб бориши дарслик осон ва давомли ўзлаштирилишига хизмат қилади.

Оптималлаштирилган ўқув дастурларини таълим жараёнига жорий этиш, амалга оширилган ишларни ҳар бир ўқитувчи-га етиб бориши учун Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мазкур қўшма Хайъат қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Марказнинг 2010 йил 17 июлда «Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари

### Yangi o'quv yili yangiliklari amalda

узвийлик ва узлуксизликнинг етарли даражада таъминланмагани, шунингдек, мактабда боланинг ёши ва фанни ўзлаштириш қобилияти ҳисобга олинмаган ҳолда айрим мураккаб мавзуларнинг ўтилиши сабаб бўлган.

— Биринчи курс ўқувчиларига, — дейди ўз фикрини асослаб ўқитувчи Д.Иноғомо-

гик назариялар ва қонунлар» боби киритилди. Ушбу боб таркибига умумий ўрта таълим дастуридаги ўқувчилар ёшига мос келмаганлиги сабабли чиқарилган 3 та мавзу (Оқсиллар биосинтези моҳияти, Генларнинг ўзаро таъсирига оид масалалар ечиш, мутациялар) киритилди. Умумий ўрта таълим дастуридан чиқарилган «Одамнинг пайдо бўлиши» боби ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурига 4 соат ҳажмда киритилди. Ушбу 4 соат «Органик оламнинг эволюцион далиллари» бобидан 2 соат ва «Экология асослари» бобидан 2 соат олиниши ҳисобга ажратилди.

— Ҳозирги кунда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун узвийлаштирилган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича қўшимча методик тавсиялар ишлаб чиқариш ниҳоясига етказилмоқда, — дейди Нурмурод Чиниқулов. — Дарсликларни янгидан яратиш ва қайта нашр этиш жараёнида оптималлаштириш натижасида амалга оширилган ўзгартиришларни муаллифлар, экспертлар ва методистлар билан биргаликда дарсликлар мазмунига сингдириш ва ўқув адабиётлари нашр этиш ишлари режалаштирилган. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун узвийлаштирилган ўқув дастурини амалиётга жорий этиш, ҳар бир фанга алоҳида ёндашган ҳолда илғор педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида шу йилнинг декабрь ойида ҳудудларда услубий семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, оптималлаштирилган соатлар ўқувчиларнинг билим олиш самарadorligini янада оширишга хизмат қилади. Бунинг учун эса ўқитувчилар ўтказилаётган семинар ва тренинглардан олган билим ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ўз устидан тинимсиз ишлаши зарур.

Аброр УМАРҚУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Жорий йилда таълим сифати ва самарadorligini ошириш, таълим жараёни янада такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 31 мартдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қўшма буйруғи асосида ДТС ва ўқув дастурлари оптималлаштирилди.

— Мазкур буйруққа кўра умумтаълим фанларининг барча йўналишлари бўйича умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларининг юқори педагогик маҳорат ва тажрибага эга амалиётчи ўқитувчилари, етакчи олим, методистларидан иборат 31та ишчи гуруҳ тузилди, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нурмурод Чиниқулов. — Улар томонидан умумий ўрта таълимда ўқитиладиган ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида давом эттириладиган 18 фандан Давлат таълим стандартларининг шарҳлари, ўқув дастурлари ва дарсликларни узвийлик, узлуксизлик ҳамда ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларига мослиги жиҳатдан танқидий таҳлил қилинди. Шу асосда Ўрта махсус, касб-хунар таъли-

## ОПТИМАЛЛАШТИРИЛГАН МАВЗУЛАР

### ўқувчиларнинг билим самарadorligini янада оширади

ми ўқув режасидаги 18 умумтаълим фанларидан жами 1920 соат ҳажмдаги ўқув юкларининг 413 соати узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида оптималлаштирилди. Шундан 247 соат ҳажмдаги мавзулар умумий ўрта таълим ўқув дастурларидан чиқарилиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимига ўтказилди.

Натижада, махсус ишчи гуруҳлар томонидан қайта ишланиб, узвийлаштирилган 18та умумтаълим фанларининг Давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурлари ҳамда уларни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш бўйича методик тавсиялар Республика таълим маркази ҳузуридаги фанлар бўйича Илмий-методик кенгашлар ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фан комиссияларида муҳокама этилиб, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2 қўшма Хайъат мажлиси қарори билан тасдиқланди ҳамда 2010-2011 ўқув йилидан амалиётга жорий этилди.

бўйича узвийлаштирилган ўқув дастурларини 2010-2011 ўқув йилидан амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 181-сонли буйруғи чиқди. Унда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича узвийлаштирилган ўқув дастурлари 2010-2011 ўқув йилидан амалиётга жорий этиш учун уч босқичли каскад методидида ўқув-семинарлари жорий йилнинг 26-28 июль кунлари (тренерлар тайёрлаш учун) Тошкент шаҳрида, 3-4 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, 6-7 август кунлари ҳудудларда (туманлар кесимида) ўтказилди.

Биология амалий машғулотларга бой табиий фан бўлсада, аввалги ўқув йилларида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилинган ўқувчиларда мазкур фанга нисбатан қизиқишнинг уйғониши бироз қийин кечарди. П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи табиий фанлар кафедраси мудири, биология фанлари номзоиди Дилфуза Иноғомованинг айтишича, бунга дарслардаги такрорийлик, мактаб ва коллежда ўтилаётган мавзулардаги ўзаро

ва, — биология фанидан мактаб дастуридаги ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, ҳужайра ва унинг тузилиши каби 8та мавзу такроран ўтилган эди. Бу эса уларда зеркишни, дарсга нисбатан бифарқликни келтириб чиқарарди. Дарсларнинг оптималлаштирилиши натижасида бу мавзулар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ёшига мослиги ва ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурида такрорланганлиги сабабли ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув дастуридан чиқарилди. Ундан ташқари, «Генетик инженерия ва биология» бобининг бошланғич мавзулари болаларга 9-синфнинг 1-, 2-чорагида ўргатилса, унинг давоми коллежда биринчи курснинг иккинчи қисмида ўргатилади. Ваҳоланки, узоқ муддат оралиғида ўқувчи ўрганган билимини ёддан чиқариши турган гап. Оптималлаштирилган ДТСда «Генетик инженерия ва биология» боби мавзуларининг кетма-кетлигини таъминлаш мақсадида «Умумий биологик қонуниятлар» бобидан кейин ўтилиши белгиланди.

Шунингдек, дастурга янгидан 8 соат ҳажмдаги «Биоло-

## ҚАҲРАМОН УСТОЗ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактабида таълим-тарбия соҳасида кўп жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўларли ишлар амалга оширилган. Педагог кадрларнинг билим ва маҳоратини ошириш, таълим даргоҳини обод қилиш, айниқса, ёшларнинг талаб даражасида билим олишлари, юксак натижаларга эришишлари учун лозим бўлган барча чора-тадбирлар жорий этиб келинмоқда.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Қаҳрамони, ушбу мактаб раҳбари Анор Маҳмудова билан институтда малака ошираётган мактаб директорларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Айни дамда институтда малака ошираётган Анор Маҳмудова йиғилганларни ўзининг узоқ йиллик тажрибаси, раҳбарлик қилаётган мактаби фаолияти билан таништирди. Жумладан, таълим масканининг ил-

гор тажрибага эга ўқитувчиларининг дарс ўтиш методлари, эришган ютуқлари, ибратли ишларини слайд воситасида намойиш қилди. Шунингдек, қаҳрамон директор ҳар бир ўқув масканида таълим-тарбия ишларини ривожлантиришда мактаб раҳбарларининг зиммасидаги вазифаларига чуқур тўхталиб, «Мактаб раҳбарининг қиёфаси», «Иш фаолияти шакли» мавзуларида сўз юритди, йиғилганларга қимматли тавсиялар берди. Айниқса, унинг таълим даргоҳида жорий қилган «Мактаб фахри» кўрик-танлов тадбир иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Мактабда бир неча йиллардан буён татбиқ этиб келинаётган ушбу кўрик-танловнинг мақсади, иш режаси, шартлари, тарбиявий ва таълимий аҳамияти ҳамда ўтган ўқув йилларда эришилган натижалар билан тингловчилар батафсил таништирилди.

— Анор Маҳмудованинг нафақат таълим-тарбия, балки спорт ва мак-



табнинг ободончилиги ишларидаги тажрибалари ҳам менга жуда маъқул келди, — дейди Фаргона вилояти Данғара туманидаги 36-мактаб директори Қодир Исақов. — Айниқса, «Маҳорат мактаби» танловини йўлга қўйиб, бу борадаги эришган ютуқлари таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари ташкил қилинган «Кичик академия» фаолияти, мактабга кираверишдаги гуллар парвариши, яроқсизга чиққан жиҳозлардан меҳнат дарсларида кенг фой-

даланиб, керакли жиҳозлар яшанинги йўлга қўйилганлиги ҳам эътирофга сазовор. Биз бу ерда кўплаб мактаб раҳбарлари билан тажриба алмашдик. Анор Маҳмудова каби устозлар тажрибасидан ўрганганларимни мактабимизда ҳам кенг жорий қилмоқчиман.

Ғолиб БАҲРОМОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ  
олган сурат.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланиб, замонавий техника имкониятлари кенгайиб бормоқда. Илм-фан ривожининг самараси ўлароқ вужудга келган ва тобора такомиллашиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари айна пайтда илм-фан, таълим-тарбия соҳаси тараққиётига хизмат қилмоқда. Халқ таълими вазирлиги соҳа ходимлари, педагоглар, шунингдек, ота-оналарни интернет тармоқлари орқали тизимга оид қизиқарли, фойдали маълумотлар ва энг муҳим янгиликлардан мунтазам бохабар қилиб бориш чораларини кўрмоқда. Айниқса, бу борада ўқитувчиларнинг билим ва маҳоратини доимий ривожлантириб бориш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги 256-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ишга туширилган. Ўз навбатида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz) веб портали фаолият кўрсатиб келарди. Сайтдан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги ўқув йили олдида уларни бирлаштириб, вазирликнинг ягона сайти яратилди. Натижада сайтнинг ташқи кўриниши (дизайни) ҳам, ички мазмуни ҳам ўзгарди. Вазирлик Ахборот хизмати томонидан янгиликлар билан бойитиб турилган сайт эндиликда ўзбек, рус, инглиз тилларидаги турли ахборот ресурслари билан мунтазам тўлдириб борилмоқда. Зеро, Халқ таълими вазирлигининг кенг омма учун мўлжалланган ахборот манбаи эндиликда интернет тармоғидаги расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ҳисобланиб, у барчага бирдек очик, фойдаланиш эркин ва бепулдир.

Расмий веб-сайт Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги "УЗИНФОКОМ" компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан жорий йил экспертизадан ўтказилганда 89,6 балл билан талабга тўлиқ жавоб беради, дея эътироф этилди.

Эндиликда вазирлик веб-саҳифаси ([www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz))нинг мазмун-мундарижаси буткул янгиланди. Сайт харитасида аввалдан мавжуд "Меъёрий ҳужжатлар", "Асосий кўрсаткичлар", "Лойиҳалар", "Эълонлар", "Интерактив хизматлар", "Фотожамланма", "Қайта алоқа" бўлимлари қаторига "Иқтидорли ёшлар", "Электрон кутубхона", "Психологик ёрдам", "Фан олимпиадалари", "Таълим ресурслари" каби янги бўлимлар қўшилди.

Энг муҳими, таълим жараёнида ўқитувчилар учун услубий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида "Педагогларга", ота-оналарнинг соҳага оид маълумотларни топишларида энгиллик яратиш учун "Ота-оналарга" ҳамда ўқувчилар учун мўлжалланган "Ўқувчиларга" бўлимлари янгидан ташкил этилди.

Айниқса, "Педагогларга" бўлими ҳозирда энг кўп манбага эга. Маълумки, 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим

# www.uzedu.uz

## ЁХУД ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ, ПЕДАГОГЛАР ХАМДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ СОҲАГА ДОИР АХБОРОТЛАР БИЛАН ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАЁТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

тималлаштирилди. Шунингдек, бир-бирини мазмунан такрорловчи мавзулар олиб ташланди ва янги мавзулар киритилди. Бир сўз билан айтганда, давлат таълим стандартлари шарҳлари ва ўқув дастурларига муайян ўзгаришлар киритилди. Айнан "Педагогларга" бўлимида "Давлат таълим стандартлари" ҳамда "Ўқув дастурлар" рукнлари очилиб, умумтаълим мактабларида ўқитилаётган барча 24 фан бўйича ДТС ва ўқув дастурлари жойлаштирилди. Бундан ташқари, ушбу бўлимида "Методик тавсиялар", "Тестлар", "Услубий қўлланмалар", "Савол-жавоблар" рукнлари очилган бўлиб, ўқитувчилар ўзларига керакли маълумотларни, жумладан, илғор дарс ишланмалари, маъруза матнлари ва бошқаларни шу бўлимдан олишлари мумкин.

Умумтаълим мактаблари учун яратилган амалдаги 552та дарслик ва услубий

дан виртуал лабораториялар, психологик тест, машқ ва интерактив ўйинлар ўрин олган.

"Ота-оналарга" бўлимида эса Республикадаги мавжуд жами умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ҳақида тўлиқ маълумотлар базаси жойлаштирилган. Шунингдек, фарзандлари мактабдан оладиган ижара дарсликларининг нархи ҳамда уларни қизиқтирган бошқа масалалар «Савол-жавоб» рукнида ёритиб борилмоқда.

"Ўқувчиларга" бўлимига 4—9-синф ўқувчилари учун барча ўқув фанларидан имтиҳон саволлари тўплами, тестлар жойлаштирилган. Ўқувчи-қизларнинг Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этиш бўйича тақлифлари қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 2326-сонли фармони, мазкур фармон билан тасдиқланган "Зулфия номидаги давлат мукофоти тўғрисида" Низом ҳамда "Иқтидорли қизлар клуби" Низомлари киритилди.

[www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) сайтнинг "Меъёрий ҳужжатлар" рукнида Халқ таълими тизимида оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг Низом ва иш режалари жойлаштирилган бўлиб, соҳага тегишли янги меъёрий ҳужжатлар мунтазам равишда янгиланган бўлиб, уларнинг шакллари ва тартиби ҳақида

Сайт фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган "Интерактив хизматлар" бўлимида барча фуқаролар ўзларини қизиқтирган турли масалаларга оидки киритишлари мумкин. Жумладан, мазкур бўлимнинг "Ишонч телефонлари" рукнида Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ишонч телефонлари жойлаштирилган ҳамда Халқ таълими вазирлиги раҳбариятининг фуқароларни қабул қилиш тартиби акс эттирилган. Шунингдек, фуқаролар томонидан амалга ошириладиган мурожаатлар, уларнинг шакллари ва тартиби ҳақида

да форум орқали жавоб берилди.

2010 йилнинг ўтган 10 оқи мобайнида веб-сайт орқали ўзбек, рус ва инглиз тилларида бевосита халқ таълими тизимида оид 1500дан ортиқ ахборот ресурслари жойлаштирилди. Жумладан, янгиликлар, пресс-релизлар, методик мажмуалар (ДТС, тестлар, дарс ишланмалари, маърузалар матни) мунтазам равишда жойлаштириб борилмоқда.

Сайтнинг "2010 йил — Баркамол авлод йили", "Муסיқа ва санъат" ҳамда "Болалар спорти" махсус рукнларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар хусусида кенг маълумотлар бериб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг тегишли бошқармалари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вазирлик Ахборот хизматининг барча иш компьютерларига ўрнатилган ESET NOD32 антивирусларининг фаолияти мунтазам янгиланиб борилади. Вазирлик веб-сайти эса UZ-CERT компьютер ҳодисаларидан огоҳлантириш хизматидан фойдаланади.

№	Ҳудудлар	Телефон рақамлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	(+998 61) 222 24 20
2	Андиён вилояти	(+998 74) 222 77 64
3	Бухоро вилояти	(+998 65) 234 27 61
4	Ўзбекистон вилояти	(+998 72) 220 20 69
5	Навоий вилояти	(+998 43) 224 79 03
6	Наманган вилояти	(+998 69) 222 27 30
7	Ўш вилояти	(+998 66) 233 72 05
8	Сirdaryo вилояти	(+998 67) 225 43 42
9	Сурхондарё вилояти	(+998 76) 227 26 51
10	Тошкент вилояти	(+998 71) 255 20 26
11	Фанг оша вилояти	(+998 73) 224 15 93
12	Ховарзм вилояти	(+998 62) 220 40 66
13	Қашқадарё вилояти	(+998 75) 221 10 56
14	Тошкент шаҳрида	(+998 71) 237 08 23

батафсил маълумотлар, тавсиялар, ҳатто, фарзандини мактабга жойлаштиришда қандай ҳужжатлар талаб қилинишигача кўрсатилган. Айни вақтда мазкур рукн орқали фуқаролар вазирлик мутасаддилари билан ёзма ёки телефон орқали мулоқотга чиқиш имконига эгалар.

Вазирликнинг расмий веб-сайти орқали соҳага оид долзарб масалалар бўйича жамоатчилик фикрини мониторинг қилиш мақсадида ижтимоий сўровномалар ҳам ўтказиб борилди. Жумладан, мактаб формаси хусусида, битирув имтиҳонларини қандай тартибда ўтказиш тўғрисида онлайн сўровномалар ўтказилиб, унинг натижалари раҳбариятга тақдим этилган. Шунингдек, [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) сайтидаги "Қайта алоқа" рукни орқали фуқаролардан келаётган хатлар, билдириладиган фикр ва мулоҳазалар ҳам таҳлил этиб борилди.

Жорий йил 12 октябрь куни вазирлик сайти форумида Халқ таълими вазири А.Мараҳимов билан онлайн-мулоқот ташкил этилди. Мулоқотда берилган барча саволларга онлайн режими-

Интернет тармоғида таълим янгиликларини мунтазам янгиланган бўлиб, соҳага олиб бориладиган кенг қамровли ислохотларни бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритишни йўлга қўйиш мақсадида яна қатор ишлар режалаштирилган.

Жумладан, сайтнинг кўриниши ва унинг тузилиши, яъни бўлим ва рукнларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, шунингдек, асосан матн кўринишидаги ахборотлар беришидан воз кечиб расмлар ва бошқа турли анимацион роликларни жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумотлар алмашиш жараёнини тезлаштириш мақсадида ҳудудий халқ таълими бошқармалари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва республика ташкилотларининг веб-сайтларининг яратишини ташкил этиш ҳамда вазирлик сайти орқали бошқарма ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтига кириш имкониятини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Халқ таълими вазирлиги  
Ахборот хизмати



сифатини ошириш, унинг мазмунини бойитиш, устоз ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган бир қатор янгилик ва ўзгаришлар амалга оширилди. Ўқув дастурлари қайта ўрганиб чиқилиб, оп-

қўлланмаларнинг электрон варианты етти тилда [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)га жойлаштирилди.

Шунингдек, сайтдан мультимедиа маҳсулотлари, видеодарслар, кимё, физика, биология ўқув фанлари-

Киз бола кичиклигидан кўлига кўғирчоғини олиб аллалаб, унга болаларча меҳрини беради. Улғайиб борган сари ота-онаси ҳам уни келин, ибратли оиланинг бекаси бўлишга тайёрлаб боради. Соғлом фарзандни дунёга келтириш учун бола саломатлигини ёшлигиданоқ назорат қилиб бориш, кези келганда, соғлигини тиклашнинг аҳамияти бебаҳо.

Мамлакатимизда она ва бола соғлигини муҳофазалаш, фертил ёшдаги аёлларнинг саломатлигини тиклаш борасида кўпгина ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бу каби масалалар юзасидан Репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари, олий тоифали акушер-гинеколог Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВАни суҳбатга тортдик.



2010-yil — Barkamol avlod yili

салликка тез чалинувчан бўлиб ўсади. Она организмини тўлиқ тикламасданоқ дунёга келган бола эса кам вазнли, иммунитетни паст бўлади. Энг муҳими, катта фарзанд кўкрак сутига ўз меъеридан тўйинмайди. Бола тетик бўлиши учун 2—2,5 йил мобайнида она сутти билан боқилиши зарур. Она сутти, айниқса, оғиз сутти таркибида махсус иммунитетив гормонлар бор. Улар бола организмда ҳар хил касалликларга қарши иммунитетни оширади.

Ирсий касалликларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдир. Бундай оилаларда ақлий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган боланинг туғилиши эҳтимоли юқори.

Баркамол авлодни дунёга келтириш ва улғайтиришда муҳим бўлган бу каби омилларни аҳоли онгига етказиш, ота-оналар, фарзандларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлар, маҳаллаларда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Республикамиз маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳафтанинг пайшанба куни «Соғломлаштириш куни» деб эълон қилинган бўлиб, мутахассислар ва маҳалла аёллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилишига муҳим эътибор қаратилган.

Поликлиникалар ва маҳаллалар қошида ота ва унинг саломатлиги, қайнона-келин муносабатларига доир «Ёш оталар», «Қайнона-келин» мактабларининг ташкил этилгани ҳам эътиборлидир.

Шифокорлар малакасини ошириш юзасидан ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Қишлоқ врачлик пунктларида умумий амалиёт шифокори фаолият кўрсатади. Терапевт ва бошқа шифокорлардан фарқли ўлароқ, у юқори малакали бўлиши, беморнинг барча саволларига жавоб бериб, унга тўғри ташхис қўя олиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 22 июлдаги 156-сонли «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан, 2010—2014 йиллар давомида республиканинг чекка худудларида истиқомат қиладиган ҳомиладор аёлларни умумий қувватлантирувчи, таркибида фоли кислотаси мавжуд бўлган поливитаминлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Соғлом фарзандни дунёга келтириш кенг жамоатчиликнинг иши. Зеро, фарзанд камолотида юртнинг истиқболи мужассам.

Моҳичехра ЛАТИПОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

— Репродуктив саломатлик — бу репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар — жисмоний, руҳий ва ижтимоий муваффақиятлар мажмуидир. Аёлнинг мувофиқ шароит ва тартибда фарзандли бўлишини назорат қилиш, она ва боланинг саломатлиги учун зарур шарт-шароитларни яратиш бу тизимнинг бош гоёси ҳисобланади. Оилада соғлом бола туғилиши учун ота-она жисмонан соғ, ақлан-руҳан баркамол бўлиши (бола тарбияси, уни парваришlash, тўғри овқатлантириш, кийинтириш каби масалаларга доир билимларга эга бўлиш), моддий ва ижтимоий томондан бола камолоти учун замин яратишлари лозим. Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишда хавфсиз ҳомиладорлик, бехатар туғруқлар, инсталмаган ҳомиладорлик ва унинг олдини олиш, туғруқлар оралигини 3 йил ва ундан ортиқ муддатга сақлаш, замонавий контрацептив воситалар ҳақида аҳолига кенг маълумот бериш, бепуштликнинг олдини олиш, она сутти билан боқиш тарғиботи, ўсмирлар репродуктив саломатлиги ва уларнинг тиббий тарбияси катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

— Соғлом фарзандни дунёга келтириш ва уни тарбиялаш жараёнига қизларни ёшлигиданоқ тайёрлаб бориш муҳим жараён. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, ниҳолни эҳтиётлаб ўстирганимиздек, фарзандларимиз саломатлигини кичиклигиданоқ назорат қилиб бориш, улар-

нинг тиббий маданиятини ошириш зарур. Ота-оналар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишлари муҳим.

Ўқувчиларнинг тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда уларга репродуктив саломатлик тушунчаларини сингдириш мақсадида умумтаълим мактабларида 17 соатлик «Соғлом оила асослари» фани ўқитилмоқда. Дарслар биология фани ўқитувчилари ҳамда шифокорлар зиммасига юклатилган.

Тарғибот-ташвиқот ишларини шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам кучайтириш лозим. Ўқувчиларга оила қуришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги каби масалалар репродуктив саломатлик маркази ходимлари, оилавий поликлиникалар шифокорлари томонидан тушунтирилади. Шу ўринда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган 15-17 ёшли ўсмир қизлар ўртасида акушер-гинеколог, психолог, терапевт каби мутахассислар томонидан ўтказилган тиббий кўриклар ҳам ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда. Бу улардаги ўткир ва сурункали хасталикларни аниқлаб даволаш имконини бераяпти.

Соғлом фарзанд ҳақида қайғура туриб, баъзи нарсаларга безътибор қараймиз. Айниқса, оила қуриш, ёш келин-куёвнинг ёши, ижтимоий-иқтисодий аҳолига жиддий аҳамият қаратиш зарур. Зеро айрим ҳолларда 16—18 ёшдаги қиз бола организми соғлом фарзанд кўришга етарлича тайёр бўлмайди. Қолаверса, эрта фарзанд кўриш ёш она сало-

матлигига ҳам, ундан туғилмак болага ҳам маълум даражада хавф туғдиради. Табиийки, йигитнинг ҳам ёшлиги янги оилани бошқариш, моддий-маънавий жиҳатдан етарли даражада таъминлашда қийинчиликларни юзага келтиради. Бу жараёндаги англашилмовчилик эса турли муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабаб қизлар учун 20-24 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш оила қуриш учун энг мувофиқ давр саналади. Айнан шу каби кўрсатмалар барча таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда ота-оналарга турли тадбирлар орқали етказилиши натижасида эрта турмуш қуриш ҳолатлари ўтган йиллар билан таққослаганда икки баробарга камайган.

— Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида фертил ёшидаги аёллар тиббий-кўрикдан ўтказилмоқда. Бу жараён хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, она саломатлигини муҳофазалаш учун биринчи навбатда уни тиббий кўрикдан ўтказиш

керак. Ўтказилган кўриклар натижасида аниқланган хасталикларни даволаш, доимий назорат қилиш, қайта кўрикдан ўтказиб туриш ҳам муҳим вазифалардан. Айни пайтда аниқланган экстрагенитал (асосан камқонлик, эндокрин, юрак-қон томир, буйрак) хасталикларини амбулатор ва стационар шароитда бепул даволаш йўлга қўйилган. Аввало, чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент тиббиёт академияси, республика перенатал ҳамда ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий Марказларининг юқори малакали мутахассислари томонидан ҳар ойнинг охириги ҳафтасида чекка қишлоқларда «Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилмоқда.

Табиийки, аҳолини соғлом фарзанд туғилишининг асоси нимада эканлиги қизиқтиради. Бунга жавобан эрта турмуш қурмаслик, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўтиш, туғруқлар оралигини сақлаш, шунингдек, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик ҳар бир ота-онанинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом ўғил ёки қиз болали бўлишини таъминлайди, дейиш мумкин.

Фарзандлар орасидаги ёш камида 3 йил бўлиши керак. Туғруқлар оралигини сақлаш онанинг ўз саломатлигини тиклаб олишига имкон берса, боланинг соғлом бўлиб дунёга келишини таъминлайди. Айниқса, кетмакет фарзанд кўрган аёл ўзи истамаган ҳолда каттасига эътиборини сусайтиради, натижада бола нимжон, ка-

## Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

### ТАРИХ

Тарих фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи (таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 6—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларда биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи бос-

қичи 1 турда (тест синовлари), иккинчи, учинчи, тўртинчи босқичлари 2 турда (ёзма иш, тест синовлари) ўтказилади.

### Ёзма иш.

Олимпиаданинг ёзма иш топшириқлари 3та саволдан иборат бўлади. Ёзма иш учун 3 соат (180 дақиқа) вақт берилади.

Максимал 50 балл билан баҳоланади. **1-савол Ўзбекистоннинг тарихий-меъморий обидалари ҳақида берилади.**

**Масалан: Ислонхўжа минораси.**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Тарихий обиданинг ким томонидан бунёд этилганлигини (ким ҳомийлик қилганлигини) билиш	1
2	Тарихий обидани қурдирган (ҳомийлик қилган) шахс ҳақида маълумот бериш	1
3	Меъморий обиданинг бунёд этилган даври ёки санасини билиш	1
4	Меъморий обиданинг қурилган географик жойи	1
5	Меъморий обидани қайси тарихий даврга мансублигини билиш	1
6	Меъморий обидани бунёд этилган даврдаги тарихий шарт-шароитни ёритиш	1
7	Меъморий обидани бунёд этилган даврдаги ҳукмронлик қилган сулолани билиш	1
8	Меъморий обиданинг қурилишида ишлатилган ашёларни билиш	1
9	Меъморий обиданинг дизайнини ёритиш	1
10	Меъморий обиданинг услубини ёритиш	1
11	Меъморий обиданинг ўзига хос томонларини кўрсатиш	1
12	Меъморий обиданинг бугунги кундаги ҳолати ҳақида маълумот бериш	1
13	Меъморий обидани Ўзбекистон ҳукумати ёки халқаро ташкилотлар томонидан қаратилаётган эътиборни ёритиш	1
14	Меъморий обидани қандай вазифаларни бажарганлигини ёритиш	1
15	Тарихий атамалардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш	1
<b>Жами</b>		<b>15</b>

**2-савол:** Тарихдаги бирор-бир (Жаҳон тарихи ва Ўзбекистон тарихидаги) давлатга оид савол берилади. **Масалан: Шайбонийлар давлати.**

**Ушбу топшириқ бўйича иштирокчиларнинг жавоблари қуйидагича баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Давлатнинг (мавжуд бўлган) тарихий даври ёки санасини билиш	1
2	Давлатнинг ҳудуди ёки чегараларини билиш	1
3	Давлат пойтахти (ёки пойтахтлари) ҳақида маълумот бериши	1
4	Давлатнинг асосчисини билиш	1
5	Давлатнинг ташкил топишига оид шарт-шароитларни билиш	1
6	Давлатда ҳукмронлик қилган сулола ёки сулолалар номини билиш	1
7	Давлатда ҳукмронлик қилган давлат бошлиқларини билиш	1
8	Давлат бошлиқларининг ҳукмронлик қилган йилларини ёки даврини билиш	1
9	Давлат бошлиқларининг шахсий фазилатлари ҳақида маълумот бериш	1
10	Давлатнинг ижтимоий аҳволини билиш	1
11	Давлатнинг иқтисодий аҳволини билиш	1
12	Давлатда мавжуд бўлган дин ёки динлар ҳақида маълумот бериш	1
13	Давлатнинг бошқарув тизимини билиш	1

### ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи (таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 8—11-синфларида, иккинчи (туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларда биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи босқичи 1 турда (тест синовлари), иккинчи,

учинчи, тўртинчи босқичлари 2 турда (ёзма иш, тест синовлари) ўтказилади.

### Ёзма иш.

Олимпиаданинг ёзма иш топшириқлари 3та саволдан иборат бўлади. Ёзма иш учун 3 соат (180 дақиқа) вақт берилади. Максимал 50 балл билан баҳоланади.

**1-савол:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларида мавжуд бўлган бирор-бир қоида берилади.

**Масалан: 7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.**

**Иштирокчиларнинг жавоблари қуйидаги мезон асосида баҳоланади.**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Берилган қоидадан аҳамиятини ёритиш — 1 балл, Қоида асосида қандай қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинганлигини ёритиш — 1 балл	2
2	Берилган қоида Конституциянинг қайси бобига тегишли эканлигини тўғри кўрсатиш, бобга таъриф бериш — 1 балл, Қайси бўлимига тегишли эканлигини кўрсатиш, бўлимига таъриф бериш — 1 балл	2
3	Берилган қоидадан амалиёт билан боғлаш — 1 балл, Фикрни мисоллар билан тўлдириш — 1 балл	2
4	Берилган қоидадан ҳуқуқнинг қайси соҳасида қўлланилишини ёритиш — 1 балл, Мисоллар келтириш — 1 балл	2
5	Берилган қоидадан тизимли шарҳлаш — 1 балл, Мисоллар келтириш — 1 балл	2
6	Берилган қоидадан тарихий шарҳлаш — 1 балл, Мисоллар келтириш — 1 балл	2

14	Давлатнинг тузилиш шакли ҳақида маълумот бериш	1
15	Давлатнинг маданий ҳаёти ҳақида маълумот бериш	1
16	Давлат ҳудудида яшаб фаолият кўрсатган тарихий шахслар ҳақида маълумот бериш	1
17	Давлатнинг бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатларини билиш	1
18	Давлатнинг ҳарбий ҳолати ҳақида маълумот бериш	1
19	Давлат бошлиқларининг амалга оширган ишлари ёки ислохотлари ҳақида маълумот бериш	1
20	Давлатни ўрганишга оид тарихий асарлар ҳақида маълумот бериш	1
21	Давлат ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши ҳақида маълумот бериш	1
22	Давлатнинг ўзига хос (ўз давридаги бошқа давлатлардан фарқи) томонлари ҳақида маълумот бериш	1
23	Давлатнинг инсоният цивилизациясидаги ўрни ҳақида маълумот бериш	1
24	Тарихий саналарни ўз ўрнида тўғри қўллаш	1
25	Тарихий атамалардан ўз ўрнида фойдаланиш	1
<b>Жами</b>		<b>25</b>

**3-савол:** Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари ва асарларидан берилди. **Масалан: Юксак маънавият – энгилмас куч.**

**Иштирокчиларнинг жавоби қуйидаги мезон асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Асар ёзилган ёки маъруза сўзланган санани билиш	1
2	Асарни нашр қилган нашриёт ёки маъруза сўзланган жойни билиш	1
3	Асар ёки маърузанинг бош ғоясини билиш	1
4	Асарнинг ёзилишидаги ёки маърузанинг сўзланишидаги тарихий шароитни билиш	1
5	Асарнинг мазмуни ҳақида қисқача маълумот бериш	1
6	Асарда кўрсатилган ғояни жамиятнинг иқтисодий ҳаёти билан боғлай олиш	1
7	Асарда кўрсатилган ғояни жамиятнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлай олиш	1
8	Асарда кўрсатилган ғояни жамиятнинг сиёсий ҳаёти билан боғлай олиш	1
9	Асарда кўрсатилган ғояларнинг ҳаётийлигига мисоллар келтириш	1
10	Асарда келтирилган атамаларни изоҳлай олиш	1
<b>Жами:</b>		<b>10</b>

### Тест топшириқлари.

Олимпиаданинг биринчи босқичида 6—11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—3-курс) учун 50та тест топшириқлари (40та жавоби танланадиган тест, 10та жавоби ёзиладиган тестлар) берилади. Тестлар тузилишига кўра 35та Ўзбекистон тарихидан, 15та Жаҳон тарихидан тайёрланади.

Тест топшириқларини бажариш учун 100 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади.

Олимпиаданинг иккинчи босқичларида ўқувчилар 25та тест топшириғини бажарадилар. Улардан 17таси Ўзбекистон тарихидан (11та жавоби танланадиган ва 6та жавоби ёзиладиган тест), 8таси Жаҳон тарихидан (6та жавоби танланадиган ва 2та жавоби ёзиладиган тестлар бўлади) берилади. Тест топшириқларини бажаришга 50 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир

тўғри бажарилган тест саволига 2 балдан, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 баллни ташкил этади.

Учинчи (вилоят) босқичида 9—11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—3-курс) ўқувчилари 40та жавоби танланадиган тест топшириғини бажарадилар. Тестлар тузилишига кўра 25та Ўзбекистон тарихидан, 15та Жаҳон тарихидан тайёрланади.

4-босқич (Республика) олимпиадасида 11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 3-курс) ўқувчилари 40та жавоби танланадиган тест топшириғини бажарадилар.

Ҳар бир тўғри жавобга 1,25 баллдан қўйилади. Тест топшириқларини ечиш учун 80 дақиқа вақт ажратилади.

**Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил қилади.**

7	Берилган қоидадан мантиқий шарҳлаш — 1 балл, Мисоллар келтириш — 1 балл	2
8	Берилган қоидадан назарий шарҳлаш — 1 балл, Мисоллар келтириш — 1 балл	2
9	Берилган қоидадан кенгайтириб шарҳлаш — 1 балл, Мисоллар келтириш — 1 балл	2
10	Қоидадан берилган сўзларга таъриф бериш — 1 балл, Бошқа моддалар ёки қонунлар билан боғлаш — 1 балл	2
11	Ушбу қоидадан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини ёритиш — 1 балл, Мисоллар келтириш олма — 1 балл	2
12	Ҳуқуқий атамалардан ўз ўрнида ва тўғри фойдаланиш	1
<b>Жами:</b>		<b>23</b>

**2-топшириқда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига оид масала берилади.**

**Масалан: Г. исмли 14 ёшли шахс Ш. исмли шахснинг сумкасида қўл телефонини олиб қўйди.**

**Ушбу топшириқнинг жавоби қуйидаги мезон асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Берилган вазият объектини аниқлаб бериш	1
2	Объект сўзига юридик таъриф бериш	1
3	Берилган вазиятнинг объектив томонини очиб бериш	1
4	Объектив томонига юридик таъриф бериш	1
5	Берилган вазият субъектини очиб бериш	1
6	Субъектив томонига юридик таъриф бериш	1
7	Ҳуқуқбузарлик белгиларини кўрсатиб бериш — 1 балл, Берилган вазият билан боғлаш — 1 балл	2

(Давоми 9-бетда.)

**Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари**

(Давоми. Боши 8-бетда.)

8	Хуқуқбузарлик белгиларига юридик таъриф бериш	1
9	Маъмурий хуқуқбузарлик билан жиноий хуқуқбузарликнинг фарқини билиш	1
10	Вояга етмаганлик тушунчасига таъриф бериш — 1 балл, Берилган вазият билан боғлаш — 1 балл	2
11	Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни очиб бериш — 1 балл, Берилган вазият билан боғлаш — 1 балл	2
12	Вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш шартларини очиб бериш — 1 балл, Берилган вазият билан боғлаш — 1 балл	2
13	Берилган вазиятни таснифлаш — 1 балл, Қонун билан асослаш — 1 балл	2
14	Берилган вазиятга баҳо беришда Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан боғлаш	1
15	Хуқуқий атамаларни ўз ўрнида ва тўғри қўлласа	1
<b>Жами:</b>		<b>20</b>

**3-савол:** «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» ўқув фанидан тузилади.

**Масалан:** «Фуқаролик жамияти» ёки «Давлат функцияси», «Ўзбекистон Республикасининг Суд тизими»

**Иштирокчиларнинг жавоблари куйидаги мезон асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Назарияга таъриф берса — 1 балл, Аҳамиятини ёритса — 1 балл	2
2	Жавобини амалиёт билан боғлай олса — 1 балл, Аниқ мисоллар келтира олса — 1 балл	2

**ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ**

Иқтисодий билим асослари фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи (таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 8—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3 курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3 курсларда, тўртинчи босқичи 3 курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи босқичи 1 турда (тест синовлари), иккинчи, учинчи, тўртинчи босқичлари 2 турда (ёзма иш, тест синовлари) ўтказилади.

**Ёзма иш**

Олимпиаданинг ёзма иш топшириқлари 5 топшириқдан иборат бўлади. Ёзма иш учун 3 соат (180 дақиқа) вақт берилади.

1-2 топшириқлари. Иқтисодий вазиятга оид масалалардан тузилади.

**Масалан:** «Бўстон» хусусий фермер хўжалигининг умумий мажлисида фермер хўжалигининг йил давомида олган фойдасини куйидагича тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилинди:

25 фоиз — акциялар учун дивиденд тўлашга;

30 фоиз — хўжаликни ривожлантириш фондига;

25 фоиз — ишчи ва ходимларни мукофотлашга;

20 фоиз — янги техника ва ускуналарни сотиб олишга.

Нима сабабдан бундай қарор қабул қилинди? Жавобингизни мисоллар билан асосланг.

**Мазкур 1 ва 2 топшириқлар куйидаги мезон асосида баҳоланади.**

№	Мезони	Балл
1.	Ўқувчи иқтисодий вазият бўйича муаммони аниқласа, масалан юқорида берилган масалада қабул қилинган қарорнинг тўғри эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берса — 3 балл, Ўқувчи иқтисодий вазият бўйича муаммони аниқласа, масалан юқорида берилган масалада қабул қилинган қарорнинг тўғри эканлигини фақат назарий жиҳатдан исботлаб берса — 2 балл, Ўқувчи иқтисодий вазият бўйича муаммони аниқласа, мақбул қарор қабул қила олмаса — 1 балл	3
2.	Муаммонинг мураккаблик даражасини, мисоллар орқали баҳолай олса, фикрини мисоллар билан далилласса, масалан нима учун фойданинг 25% акциялар учун дивиденд тўлашга; 30% хўжаликни ривожлантириш фондига; 25% ишчи ва ходимларни мукофотлашга; 20% янги техника ва ускуналарни сотиб олишга сарфланганлигининг аҳамиятини тушунтириб бера олса — 4 балл; Масалан нима учун фойданинг 25% акциялар учун дивиденд тўлашга; 30% хўжаликни ривожлантириш фондига 25%ларни сарф этилишини ҳисоблашга ҳаракат қилса — 3 балл; Агар ўқувчи муаммонинг мураккаблик даражасини тушунтириб бера олмаса, ўз фикрини мисоллар билан исботлай олса — 2 балл, Агар ўқувчи муаммонинг мураккаблик даражасини тушунтириб бера олса, ўз фикрини мисоллар билан исботлай олмаса — 1 балл	4
3.	Муаммони ечиш йўллари тўғри белгилай олса, масалан, фойдани тақсимлашнинг ва қайта тақсимлашнинг аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан асослай олса — 3 балл, Фойдани тақсимлашнинг ва қайта тақсимлашнинг аҳамиятини назарий жиҳатдан асослай олса — 2 балл, Қайта тақсимлашнинг аҳамиятини асослай олса — 1 балл,	3
<b>Жами:</b>		<b>10 балл</b>

**3-,4-,5-топшириқлар математик формула, графика ва жадваллар асосида тузилади.**

Масалан: Фараз қилайлик, бирор маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф функцияси куйидаги кўринишда бўлсин.

Qd қ 41 - 10\*P; Qs қ 2+3\*P;  
А) Мувозанат нархни аниқланг.  
Б) Давлат ушбу товарга максимал нархни 1000 сўм қилиб белгилади.

Ушбу сиёсат қандай оқибатларга олиб келади?

В) Талаб ва таклиф чизикларини графини тузинг.

Г) Бозордаги мувозанат нархни график усулида аниқланг.

4. Талаб функцияси C қ 100 ye+1/2 келтирилган жадвал бўйича куйидагиларни ҳисобланг; а) даромад ўзгариши билан истеъмол харажатларининг ўзгариши; б) истеъмол чегараси лаёқати.

Даромаднинг ўзгариши (ДИ)	Истеъмол харажатларининг ўзгариши (С)	Истеъмол чегараси лаёқати (MPC)
0 дан 1 (+1) гача		
399дан 400 (+1)гача		
400дан 401 (+1)гача		
400дан 410 (+1)гача		
410дан 400 (+1)гача		
400дан 399 (-1)гача		

3	Конституция ёки бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан боғлай олса	1
4	Хуқуқий атамаларга таъриф берса	1
5	Хуқуқий атамаларни ўз ўрнида ва тўғри қўллаш олса	1
<b>Жами:</b>		<b>7</b>

**Тест топшириқлари.**

Олимпиаданинг биринчи босқичида 8-11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—3-курс) учун 50та тест топшириқлари (40та жавоби танланадиган тест, 10та жавоби ёзиладиган тестлар) берилади.

Тест топшириқларини бажариш учун 100 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади.

Олимпиаданинг иккинчи босқичларида 9—11-синфлар(академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1-3 курс) ўқувчилар 25 та (17 та жавоби танланадиган ва 8 та жавоби ёзиладиган тест) тест топшириқларини бажарадилар. Тест топшириғини бажариш учун 50 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 2 балдан, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

Учинчи (вилоят) босқичда 9—11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—3-курс) ўқувчилари 40та (30та жавоби танланадиган, 10та жавоби ёзиладиган) тест топшириғини бажарадилар. Тест топшириғини бажариш учун 80 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балдан, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

4 босқич (Республика) олимпиадасида 11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 3 курс) ўқувчилари 40та жавоби танланадиган тест топшириғини бажарадилар.

Ҳар бир тўғри жавобга 1,25 балдан қўйилади. Тест топшириқларини ечиш учун 80 дақиқа вақт ажратилади.

**Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 бални ташкил қилади.**

**5. Фараз қилайлик, бир мамлакатда фақат 3 хил товар истеъмол қилинади. Куйидаги жадвалда бу товарнинг охириги уч йилдаги ва истеъмол қилинган миқдори берилган:**

Товар номи	1-йилдаги		2-йилдаги		3-йилдаги	
	миқдори	нархи	миқдори	нархи	миқдори	нархи
A	150	20	200	10	250	10
B	50	100	25	100	30	80
C	4	1000	4	2000	4	3000

Жадвалдан фойдаланиб,

а) бу мамлакатдаги истеъмол нархлари индексини топинг;  
б) учинчи йилни асос қилиб олиб, иккинчи ва биринчи йиллардаги инфляция су-ратларини ҳисобланг;

в) топилган натижаларни баҳоланг ва таққосланг.

**3-, 4-, 5-топшириқлар куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Масаланинг иқтисодий мазмуни аниқ ёритилиб, бунда иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланилса — 2 балл, Масаланинг иқтисодий мазмуни аниқ ёритилиб, бунда иқтисодий атамалардан фойдаланмаган бўлса — 1 балл	2
2	Масалани ечишда, мувозанат нархни аниқлаш усулидан, математик функциялардан тўғри фойдаланса, график ва жадвалларни чизишда хатоликларга йўл қўймаган бўлса — 3 балл, Масалани ечишда, мувозанат нархни аниқлаш усулидан, математик функциялардан тўғри фойдаланса, график ва жадвалларни чизишда хатоликларга йўл қўйган бўлса — 2 балл, Математик функциялардан тўғри фойдаланса, график ва жадваллар тўғри чизилмаган бўлса — 1 балл,	3
3	Масалани ечишда талаб ва таклиф функцияларидан тўғри фойдаланиб, графиклари тўғри чизилиб, жадваллар тўғри тўлдирилган бўлса ва математик жиҳатдан тўғри ечилиб жавоби тўғри бўлса — 5 балл; Талаб ва таклиф функцияларидан тўғри фойдаланилган, графиклари тўғри чизилган, жадваллар тўғри тўлдирилмаган бўлса — 4 балл, Масалани математик жиҳатдан тўғри ечиб, жавоби нотўғри бўлса — 3 балл; Масаланинг жавоби иқтисодий жиҳатдан нотўғри асосланган, лекин талаб ва таклиф таянч атамалари ҳақида фикрлар келтирилган бўлса — 2 балл, Масаланинг жавоби иқтисодий жиҳатдан қисман асосланган бўлса ва энг мақбул ечим эканлиги исботланмаса — 1 балл қўйилади	5
<b>Жами:</b>		<b>10 балл</b>

Ҳар бир топшириқ 10 балл билан баҳоланади. Жами 50 балл.

**Тест топшириқлари**

Олимпиаданинг биринчи босқичида 8—11-синфлар (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—3-курс) учун 50та тест топшириқлари (34та жавоби танланадиган тест, 16та жавоби ёзиладиган тестлар) берилади.

Тест топшириқларини бажариш учун 100 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади.

Олимпиаданинг иккинчи босқичларида 9—11-синфлар(академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—3-курс) ўқувчилари 25та (17та жавоби танланадиган ва 8та жавоби ёзиладиган тест) тест топшириқларини бажарадилар. Тест топшириғини бажариш учун 50 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 2 балдан, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

3 (вилоят) босқичида 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4 босқич (Республика)

олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та жавоби танланадиган тест топшириғи берилади. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

**Тест топшириқларидан намуна келтирамиз:**

1. Жавоби танланадиган тест. Иқтисодийёт қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?

А. табиат, одамлар, жамият  
В. одамлар томонидан яратилган барча нарсалар

С. одамлар, корхона, ташкилотлардан  
Д. табиат, одамлар ва улар томонидан яратилган барча нарсалардан

2. Жавоби ёзиладиган тест. Чекланганлик муаммоси қайси тизим олдида муаммо бўлиб туради?

**Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 бални ташкил қилади.**

(Давоми 10-бетда.)

**Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари**

(Давоми. Боши 8—9-бетларда.)

**МАТЕМАТИКА**

Математика фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи(таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 5—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларда биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг ҳар тўртала босқичи 2 турда (ёзма иш, тест синовлари) ўтказилади. Олимпиада синовларини куйидаги тартибда ўтказиш тавсия этилади.

**Ёзма иш**

Олимпиаданинг биринчи (таълим муассасаси), иккинчи (туман) ва учинчи (вилоят), тўртинчи (Республика) босқичларида ёзма иш топшириқларида 5та масала берилади. Унга 3 соат (180 дақиқа) вақт ажратилади.

Биринчи босқичда 5—6-синфларда математикадан масалалар янги тахрирдаги ДТС, модернизация қилинган ўқув дастури бўйича шу кунга қадар ўрганилган мавзулари асосида танланади.

7—8-синфларда биринчи босқичида, 9—11-синфлар (академик лицей, касб-хунар коллежларининг 1—3-курси) учун биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи босқичда тайёрланган масалаларда 3та топшириқ алгебрадан, 2та топшириқ геометрия фанидан бўлиши лозим. Топшириқлар мантиқий фикрлашга доир, ностандарт масалалар бўлишига эътиборни қаратиш лозим.

9—11-синфлар (академик лицей, касб-хунар коллежларининг 1—3-курси) учун тайёрланган топшириқлардан бири геометрик исботлашга доир, бошқаси ҳисоблашга доир масалалардан олиниши мақсадга мувофиқ. Масалан:

**9-синф**

1. Оилада 9та фарзанд бор. Уларнинг ҳаммасининг туғилиш оралиқлари бир хил. Болалар ёшлари квадратларининг йиғиндиси, уларнинг оталарининг ёшларига тенг. Отаси ва ҳар бир боланинг ёши нечада?

2. Учбурчакнинг ўзаро тенг бўлмаган томонлари орасида ётувчи бурчаги учидан биссектриса ва медиана ўтказилган. Медиананинг биссектрисадан катта эканлигини исботланг.

**ФИЗИКА**

Физика фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи(таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 7—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади.

Биринчи, иккинчи, учинчи босқичда 3 турда(ёзма иш, лаборатория иши, тест синов), тўртинчи (Республика) босқичда олимпиада 2 турда (ёзма иш, тест синов) ўтказилади.

**Ёзма иш**

Олимпиаданинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларида ёзма иш топшириқлари 4та масаладан иборат бўлади. Ёзма иш учун 120 дақиқа вақт берилади. Максимал 40 балл.

Олимпиаданинг тўртинчи (Республика) босқичида ёзма иш топшириқлари 5та масаладан иборат бўлиб, ёзма иш учун 180 дақиқа вақт берилади. Максимал 50 балл.

Масалан:

**7-синф**

Эркин тушаётган жисмнинг Ерга урилиш пайтидаги тезли-

**10-синф**  
1.100 ва 164 сонларига бир хил сонлар йиғиндиси қўшилса, ҳосил бўлган икки йиғинди бутун соннинг квадрати бўлсин. Ўша бир хил сонлар неча?

2. Томони a га тенг бўлиб, диагонали билан 60° ли бурчак ташкил қилувчи тўғри тўртбурчакка ташқи чизилган айлана радиусини топинг.

**11-синф**

1. Бир оилада болалар кўп эди. Улардан еттаси карамни, олтаси сабзини, бештаси нўхатни яхши кўрарди, тўрттаси сабзи ва карамни, учтаси карам ва нўхатни, иккитаси сабзи ва нўхатни яхши кўради, биттаси карам, сабзи ва нўхатни иштаҳа билан ейди. Оилада қанча бола бор эди?

2. Тўғри бурчакли учбурчакда C тўғри бурчагидан асос текислигига CD перпендикуляр ўтказилган, CD = 1дм. Агар AC = 3 дм., BC = 2 дм. бўлса, АДВ учбурчакнинг юзини топинг.

Ҳар бир масала 10 балл билан баҳоланади.

**Тест топшириқлари**

Биринчи босқич олимпиаданинг 8-синф ва 9—11-синф (академик лицей, касб-хунар коллежларининг 1—3 курси) ўқувчилари учун 25та тест топшириқларидан (17та жавоби танландиган тест, 8та жавоби ёзиладиган тестлар берилади) иборат тузилади.

7—8-синфларда биринчи босқичда, 9—11-синф(академик лицей, касб-хунар коллежларининг 1—3-курси)ларда биринчи, иккинчи босқич ўқувчилари учун тузилган тест топшириқлари 17та алгебрадан, 8та геометриядан бўлиши лозим.

Масалан:

**9-синф**

1. Жавоби ёзиладиган тест.

Функцияларнинг қайсилари квадрат функция?

1)  $y = x + 2x^2 - 3$ ; 2)  $v = x^2 - x^3$ ; 3)  $y = 5x - 1$ ; 4)  $y = \sqrt{x - x^2}$

2. Жавоби танландиган тест  $y = -x^2 + 6x - 1$  функциянинг қийматлари тўпламини топинг.

а) аниқлаб бўлмади; б)  $(-\infty; 3]; c) [3; +\infty); d) (-\infty; 8]$ .

**10-синф**

1. Жавоби ёзиладиган тест. Тенгламанинг илдизлари нимага тенг  $5x^3 + 5x^2 - 3x - 3 = 0$  ?

2. Жавоби танландиган тест.

Тенгсизликни ечинг:  $0,5^{3x^2+x} < 1$

а)  $x < -\frac{1}{3}$  ва  $x > 0$ ; б)  $x > -\frac{1}{3}$  ва  $x > 0$ ; с)  $x < -\frac{1}{3}$ ; д)  $x > 0$ .

**11-синф**

1. Жавоби ёзиладиган тест.

$\cos \left( \arcsin \frac{2}{3} \right) =$  нимага тенг?

2. Жавоби танландиган тест.

Агар  $b_1 = 1,3125$ ; ва  $q = 1,6$  тенг бўлса, ҳадларининг йиғиндиси  $S = 34, 51266$  бўлса, геометрик прогрессиянинг ҳадларини топинг.

а)  $n = 5$ ; б)  $n = 7$ ; с)  $n = 4$ ; д)  $n = 6$ .

Тест топшириқларини бажариш учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади.

3-(вилоят) босқичда 40та (30та жавоби танландиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4-босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи берилади. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 баллни ташкил этади.

Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил қилади.

Ечимнинг тўғрилиги (хатолиги)	Баллар
Мантиқий фикрлаб, хатосиз ва камчиликларсиз ечилган ҳар қандай ечим, расмлар, чизмалар ва графикларни жавобга мос равишда тўғри бажарганлиги учун	10
Масала асослаб тўлиқ ечилган бўлса, лекин 1-2 қўпол бўлмаган хатолар ва ҳисоблашларда йўл қўйилган майда камчиликлари учун	9
Масала асослаб тўлиқ ечилган бўлса, лекин 3-4 қўпол бўлмаган хатолар ва ҳисоблашларда йўл қўйилган майда камчиликлари учун	8
Ўқувчи тўғри жавобга эришган бўлса-да, ечишга етарлича ёндашиб ечим хусусий ҳолларда асосланмаган бўлгани учун	7
Ўқувчи маслани ечишга тўғри ёндашган бўлиб, тўлиқ ечолмаган ва ечимни асослай олмагани учун	6
Масалани ечишда ўқувчининг тўғри, лекин ечимнинг тўғри ёки нотўғрилигини, тўғри жавобни асослаш ва исботлаш етарли бўлмагани учун	5
Ўқувчи ечишга эришган бўлиб, ечишда тенглама, тенгсизликлар ва айниятларни қўллай олмагани учун	4
Ечишда ўқувчининг ғояси тўғри бўлиб, камчиликлар кўплигидан тўғри ечимга эришмагани учун	3
Масала ечилмаган, лекин оққа кўчиришда айрим тўғри мулоҳазалари учун.	2
Масала ечилмаган, лекин ечишга ҳаракат қилиб, ҳақиқатга яқин чизмани бажаргани учун	1
Ўқувчи масалаларни ечмагани учун.	0

**9-синф**

ги 39,2 м/с га тенг. Жисмнинг тушиш баландлиги ва тушиш вақтини топинг.

**8-синф**

Иккита электрон орасидаги электр итаришиш кучи уларнинг бир-бирига гравитацион тортилиш кучидан неча марта катта?

**9-синф**  
Сигими 10 л бўлган баллонда 27° С ҳароратли газ бор. Газ сизиби чиқиши туфайли баллондаги газнинг босими 4,2 кПа га пасайди. Агар ҳарорат ўзгаришсиз сақланган бўлса, баллондан қанча молекула чиқиб кетган?

**10-синф**

Ҳар бирининг ЭЮК 1,5 В, ички қаршилиги 0,5 W бўлган 8та элементдан ўзаро кетма-кет улашиб ҳосил қилинган батареянинг ЭЮКни ва ички қаршилигини топинг.

**11-синф**

Пружинали маятник мувоза-

нат вазиятдан чиқариб туриб қўйиб юборилди. Қанча вақтдан кейин тебранаётган жисмнинг кинетик энергияси пружинанинг потенциал энергиясига тенг бўлади?

Ҳар бир масала 10 балл билан баҳоланади.

**Масала куйидагича баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини тўла очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масалани тўғри ечса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмалар тўғри чизилган бўлса, физик катталиклар ва уларнинг бирликларини тўғри келтириб чиқарган бўлса	10
2.	Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини тўла очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масалани тўғри ечса, физик катталикларнинг бирликларини тўғри келтириб чиқарган бўлса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани чизишда жузъий камчиликка йўл қўйса	9
3	Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масалани тўғри ечса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани тўғри чизган бўлса, физик катталиклар бирликларини келтириб чиқаришда ва ёзишда хатолик бўлса	8
4	Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масалани тўғри ечса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани чизишда ва физик катталикларнинг бирликларини келтириб чиқариш ва ёзишда хатоликка йўл қўйса	7
5	Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масалани тўғри ечса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани чизишда, физик катталикларни ёзишда	

хатолик бўлса ва физик катталикларнинг бирлигини келтириб чиқармаса	6
6 Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масалани ечишда хатоликка йўл қўйса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизма нотўғри чизилган, физик катталикларни белгилашда хатоликларга йўл қўйса, физик катталиклар бирлигини умуман келтириб чиқармаса	5
7 Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масала формуласини келтириб чиқаришда хатолик бўлса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани нотўғри чизиб, физик катталикларни белгилашда хатоликка йўл қўйса, физик катталиклар бирлигини умуман келтириб чиқармаса	4
8 Ўқувчи ҳодиса ва қонуниятларнинг физик маъносини очиб берса, асосий тушунчалар, қонуналрни қўллаб масала формуласини келтириб чиқаришда ва ҳисоблашда хатоликка йўл қўйса, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани умуман чизмаган бўлса, физик катталикларни белгилашда хатолик бўлиб, физик катталиклар бирлигини умуман келтириб чиқармаса	3
9 Ўқувчи масалани ечиш учун формулани ёзган, масалани ишламаган, масала учун чизма шарт бўлиб, чизмани умуман чизмаган, физик катталиклар бирлигини умуман келтириб чиқармаса	2
10 Ўқувчи масала шартини берилган физик катталикларни ёзган, масалани умуман ишламаган бўлса	1
11 Умуман ҳеч қандай иш бажарилмаган	0

(Давоми 11-бетда.)

**Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари**

(Давоми. Боши 8-, 9-, 10-бетларда.)

**Лаборатория машғулоти** — дан биттаси қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинади. Лаборатория машғулотларининг физика дастури асосида тайёрланган 3та вариантлари билан таълим олинади. Лаборатория ишини бажариш учун 60 дақиқа вақт берилади.

**Лаборатория машғулоти қуйидаги мезон асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Таъриба ва ўлчаш ишлари тегишли кетма-кетликда техника хавфсизлигига риоя қилиб бажарилса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олса, таъриба натижаларининг абсолют, нисбий хатоликларини тўғри ҳисоблай олса ва жадвал асосида хулосани тўғри чиқарган бўлса, агар чизма шарт бўлиб, чизма тўғри чизилган бўлса	10
2	Таъриба ва ўлчаш ишлари тегишли кетма-кетликда техника хавфсизлигига риоя қилиб бажарилса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олса ва жадвал асосида хулосани тўғри чиқарган бўлса, агар чизма шарт бўлиб, чизма тўғри чизилган бўлса, таъриба натижаларининг абсолют, нисбий хатоликларини ҳисоблашда жузъий камчиликларга йўл қўйилган бўлса	9
3	Таъриба ва ўлчаш ишлари тегишли кетма-кетликда техника хавфсизлигига риоя қилиб бажарилса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олса, хулосани тўғри чиқарган бўлса, агар чизма шарт бўлиб, чизма тўғри чизилган бўлса, таъриба натижаларининг абсолют, нисбий хатоликларини ҳисоблашда ва жадвални тўлдирганда камчиликларга йўл қўйилган бўлса	8
4	Таъриба ва ўлчаш ишлари тегишли кетма-кетликда техника хавфсизлигига риоя қилиб бажарилса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олса, агар чизма шарт бўлиб, чизма тўғри чизилган бўлса, лаборатория ишининг натижаларини олишда хатоликка йўл қўйса ва хулоса тўғри чиқарилмаган бўлса	7
5	Таъриба ва ўлчаш ишлари тегишли кетма-кетликда техника хавфсизлигига риоя қилиб бажарилса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олса, агар чизма шарт бўлиб, чизма чизишда хатолик бўлса, лаборатория ишининг натижалари ва хулоса тўғри чиқарилмаган бўлса	6
6	Таъриба ва ўлчаш ишлари тегишли кетма-кетликда техника хавфсизлигига риоя қилиб бажарилса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олмаса, лаборатория ишининг натижалари нотўғри ва хулоса умуман хато бўлса	5

7	Таърибани бажарса, лекин умуман техника хавфсизлигига риоя қилинмаса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олмаса, лаборатория ишининг натижалари нотўғри ҳисобланса ва хулоса чиқарилмаган бўлса	4
8	Таърибани бажаришда камчиликларга йўл қўйса, умуман техника хавфсизлигига риоя қилинмаса, керакли жиҳозлардан мустақил фойдалана олмаса, натижалари нотўғри бўлса	3
9	Лаборатория ишини ўтказиш учун керакли жиҳозларни танлаб, таърибани бажаришда хатоликка йўл қўйса, лекин ҳисоблашларни умуман бажармаган бўлса	2
10	Лаборатория ишини ўтказиш учун керакли жиҳозларни танлаб, таърибани ўтказма олмаса	1
11	Умуман иш бажара олмаган бўлса	0

**Тест топшириқлари**

Биринчи (таълим муассаса), иккинчи (туман) босқичларда ўқувчиларига 25тадан тест (17 та тестнинг жавоби белгиланади, 8та тестнинг жавоби ёзилади) топшириқлари бериллади.

Тест топшириқлари учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл, нотўғри жавоблар 0 балл билан баҳоланиб, жами 50 баллни ташкил этади.

3(вилоят)-босқичда 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4-босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириқлари бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 баллни ташкил этади.

Қуйида тестлардан намуналар келтирилади:

**7-синф**

1. Жавоби танланадиган тест.

Автомобиль тинч ҳолатидан 0,6 м/с<sup>2</sup> тезланиш билан ҳаракатлана бошлаб, қанча вақтда 30 м. юради.

А) 10 с В) 18 с С) 50 с Д) 0,6 с

2. Жавоби ёзиладиган тест. Агар моддий нуқта айлана бўйлаб ихтиёрий тенг вақтлар орасида тенг ёйларни босиб ўтса, бундай ҳаракат нима деб аталади?

**8-синф**

1. Жавоби танланадиган тест.

Агар кучланиши 220 В бўлган электр тармоғига 440 Ω дан бўлган 5та лампа параллел уланган бўлса, истеъмол қилинаётган ток кучини топинг.

А) 9,6 А Б) 2,5 А С) 1,5 А Д) 3 А

2. Жавоби ёзиладиган тест. Ҳаво ёки газда кучли зарядлар оқими ҳосил бўлиш ҳодисаси нима дейилади?

**9-синф**

1. Жавоби танланадиган тест.

Идеал газнинг мутлақ ҳаро-

рати 4 марта ортганида молекулаларнинг ўртача квадратик тезлиги неча марта ортади?

А) Ўзгармайди. Б) 2 С) 4 Д) 16

2. Жавоби ёзиладиган тест. Моддаларнинг иссиқлик алмашилиши натижасида температуралари тенглашишига нима дейилади?

**10-синф**

1. Жавоби танланадиган тест.

Сигими 100 мкФ бўлган конденсатор потенциаллари фарқи 500 В га етгунча зарядланган. Конденсаторнинг энергиясини топинг.

А) 12,5 Ж Б) 12 Ж С) 125 Ж Д) 5 Ж

2. Жавоби ёзиладиган тест. Магнит майдон катталигининг ўзгариши билан боғлиқ равишда электр тоқининг ҳосил бўлиш ҳодисасига нима деб аталади?

**11-синф**

1. Жавоби танланадиган тест.

Сувнинг температураси кўтарилганда унинг нур синдириш кўрсаткичи биров камайди. Бунда сув учун тўла қайтиш бурчаги ўзгарадими?

А) Ўзгармайди Б) Ортади С) Камайди Д) Қайтиш бурчаги нур синдириш кўрсаткичига боғлиқ эмас

2. Жавоби ёзиладиган тест. Ёруғликнинг нур синдириш кўрсаткичи тебранишлар частотасига боғлиқлигига нима дейилади?

Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил қилади.

**БИОЛОГИЯ**

**Ўзма иш**

Биология фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи(таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 5—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади.

Биринчи, иккинчи, учинчи босқич олимпиада 3 турда (ёзма иш, лаборатория машғулоти, тест синови), тўртинчи босқич 2 турда (ёзма иш, тест синови) ўтказилади.

Олимпиаданинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларида ёзма иш топшириқлари 4та саволдан иборат бўлади.

Ёзма иш учун 120 дақиқа вақт бериллади. Максимал 40 балл.

Олимпиаданинг тўртинчи (Республика) босқичида ёзма иш топшириқлари 5та саволдан иборат бўлиб, ёзма иш учун 180 дақиқа вақт бериллади. Максимал 50 балл.

Саволлар танланаётганда қуйида берилган баҳолаш мезонига эътиборни қаратган ҳолда тузиш лозим.

**Ёзма иш қуйидаги мезон асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Ўқувчи томонидан савол мазмуни тўла очиб берилган, қонун, назариялар тўлиқ ва аниқ ёритилган бўлса	10
2	Агар ўқувчи томонидан савол мазмуни тўла очиб берилган, аммо қонун ва назарияларни очиб беришда қисман хатоликка йўл қўйган бўлса	9
3	Жавоблар тўлиқ, лекин изчиллик бузилган бўлса	8
4	Жавоблар тўлиқ, лекин изчиллик бузилган, атамалар ва қонуниятлар тавсифида кичик ноаниқлик мавжуд бўлса	7
5	Жавоблар қисман тўлиқ, атамалар ва қонуниятлар тавсифида изчиллик бузилган ва кичик ноаниқлик мавжуд бўлса	6
6	Саволлар жавобида хатоликлар ва уларни изоҳлашда тушунчалар таснифида бир қанча ноаниқлик ва хатоларга йўл қўйилса	5
7	Жавоблар хулосаланмаган, фикрлар чалқаш, тушунчаларда кўп хатолар мавжуд бўлса	4
8	Жавоблар хато ёзилган, лекин айрим атама ва тушунчаларни оқ ёки қоралама дафтарларида қайд этган бўлса	3
9	Жавоблар хато ёзилган, лекин айрим тушунчаларни қисман қайд этган бўлса	2
10	Жавоблар хато ёзилган, ҳеч қандай атама ва тушунчалар қайд этилмаган бўлса	1
11	Берилган топшириқлар умуман бажарилмаган бўлса	0

**Лаборатория машғулоти**

Лаборатория машғулотида биология дастури асосида тайёрланган 3та

вариантдан биттаси қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинади. Лаборатория ишини бажариш учун 60 дақиқа вақт бериллади.

**Лаборатория машғулоти қуйидаги мезон асосида баҳоланади:**

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Лаборатория машғулоти кетма-кетликка риоя қилинган ҳолда, тўлиқ бажарилган, жадвал, расмлар тўлиқ чизилган, жиҳозлар тўғри танланган ва улар билан ишлаш қоидаларига ҳамда техник хавфсизлигига тўлиқ риоя қилинган бўлса	10
2	Лаборатория машғулоти кетма-кетликка риоя қилинган ҳолда тўлиқ бажарилган, расм ва чизмаларда кичик камчиликларга йўл қўйилган	9
3	Лаборатория машғулоти кетма-кетликка риоя қилинган ҳолда тўлиқ бажарилган, расм ва чизмаларда бир қанча камчиликларга йўл қўйилган.	8
4	Лаборатория машғулоти кетма-кет бажаришда қисман камчиликларга йўл қўйилган ҳолда тўлиқ бажарилган, жадвал, расмлар тўлиқ чизилган	7
5	Лаборатория машғулоти кетма-кет бажаришда қисман камчиликларга йўл қўйилган ҳолда тўлиқ бажарилган, расм ва чизмаларда бир қанча камчиликларга йўл қўйилган	6
6	Лаборатория машғулоти бажаришда ва ишни хулосалашда айрим камчиликлар ва чалқашликлар мавжуд	5
7	Лаборатория машғулоти бажаришда ва хулосалашда жуда кўп камчиликлар мавжуд	4
8	Ишни бажариш учун жиҳозларни тўғри танлаган, иш нотўғри бажарилган, нотўғри талқин қилинган, иш хулосаланмаган	3
9	Ишни бажариш учун жиҳозларни қисман тўғри танлаган, иш нотўғри бажарилган, нотўғри талқин қилинган ва хулосаланмаган	2
10	Ишни бажариш учун жиҳозларни танлай олмаган, иш нотўғри бажарилган, нотўғри талқин қилинган ва хулосаланмаган	1
11	Иш умуман бажарилмаган бўлса	0

Лаборатория ишини бажаришда техника хавфсизлигига риоя қилинмаса, 2 балл пасайтирилади.

**Тест топшириқлари**

Биринчи (таълим муассаса), иккинчи (туман) босқичларда ўқувчиларга 25тадан тест (18та тестнинг жавоби белгиланади, 7та тестнинг жавоби ёзилади) топшириқлари бериллади.

Тест топшириқлари учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл, нотўғри жавоблар 0 балл билан баҳоланиб, жами 50 баллни ташкил этади.

3(вилоят)-босқичда 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4-босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи бериллади. Тест топшириқларини бажаришга 2

соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 баллни ташкил этади.

**Масалан:**

1. Жавоби танланадиган тест. Қуйида берилган аъзолардан қайси бири минерал тузлар депоси бўлиб хизмат қилади?

А. Суяклар  
В. Талоқ  
С. Буйрак  
Д. Томирлар системаси

2. Жавоби ёзиладиган тест. Организм ички муҳитининг нисбий доимийлиги қандай аталади?

Барча тур бўйича умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил этади.

(Давоми келгуси сонда)

Бирор нарсани ўзига тортувчи, жалб этувчи таърифни бермоқчи бўлсак, «оҳанрабодек» деган ўхшатишни кўллаймиз. Бу ўхшатиш замирида магнитнинг хусусиятига қизиқиш ва табиатдаги бетакрор тортишиш кучига нисбатан ҳайратланиш бор. Ҳақиқатдан ҳам, оҳанрабо (магнит) мўъжизадек гап. Бу сўзнинг маъноси ҳам ажойиб. Араб тилида «Оҳан» — темир, «рабо» кўшимчаси эса «тортувчи» маъносини беради.

Маълумотларга қараганда, «оҳанрабо» атамасини илк бор буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний кўллаган. «Темир тортувчи»нинг яна бир ўзига хос жиҳати — уни эркин ҳолатда кўйсак, икки томони иккита кутбга йўналади. У айнан шу жиҳати туфайли компас мили ўрнида қоронғу тунлар, чексиз денгизлар, тўқайзору чўлларда одамларга йўл кўрсатиб келган.

Магнит эрампиздан олдинги даврлардаёқ инсонларга таниш бўлган. Шунинг учун ҳам унинг топиллиши ва номланиши билан боғлиқ афсонаю ривоятлар бисёр.

### МАГНУС ЧҲПОННИНГ ТОПИЛМАСИ

Айтишларича, қадим замонда Магнус исмли чўпон бўлган экан. У бир куни яйловда кўйларини боқиб юрса, темир ҳассаси ва этининг темир михларига қора тош ёпишиб қолади. Чўпон ҳайратланиб, қизиқиш билан унга қарайди. Бироз фурсат ўтиб, мазкур топилма ҳаммининг қизиқишига сабаб бўлади ва аста-секин маълум бир мақсадлар учун кўлланила бошлайди. Уни чўпон номи билан «Магнус тоши» деб аташди. Бу ном кейинчалик «магнит»га айланган. Шунингдек, «Википедия» электрон манбасида келтирилган маълумотларга кўра эса, Осиёдаги қадимий Магнися шаҳри унинг номига асос бўлган. Сабаби, илк магнит кони айнан шу жойдан топилган экан.

### ХУСУСИЯТ ҲАР БИР ЗАРРАДА


Болалигимдан яхши таниш бўлиб қолган «мехрли тақа»ни ҳар сафар кўлимга олганимда беихтиёр унга нинатугма, тўғноғич ёки бирор темир буюмни яқинлаштираман. Унинг тортиш хусусиятини кузатарканман, дилимда ўзига хос мўъжизадан завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Иккита «тақа»ни олиб қарама-қарши томонларини бир-бирига яқинлаштириш учун бор кучимни сарфлайман. Аммо ҳаракатларим беҳуда кетади. Қандайдир кўринмас куч икки магнит тошни икки то-

монга итариб туради. Шу пайтда миямда қатор саволлар гўжғон айланади.

Эсимда, 4-синфда ўқиб юрган пайтимда ўртоқларим билан магнитнинг икки кутбини бир-бирдан ажратиш учун ҳаракат қилган эдик. Ўшанда «тақа»ни икки бўлакка бўлганмиз, тош билан синдирганмиз. Аммо барибир ҳеч қандай наф бўлмаган. Оҳанрабонинг

ланишлари натижаси ўлароқ, 1269 йили магнит ҳақида китоб ёзилган. Унда оҳанрабо ҳақида жуда кўп фактлар қайд этилган бўлиб, хусусан, икки кутби борлиги, улар шимолий ва жанубий кутблар деб аталлиши, бир-бирига қаратилганда қарама-қарши тарафга итарилиши, аксинча бўлса, тортишиши келтирилган. Шуларга асосланиб, Перегрин магнитнинг нафақат тортиш, балки итариш хусусияти ҳам борлигини аниқлайди. Перегриннинг кутбларни аниқлаши магнитнинг хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотларни янада жадаллаштирди.

Магнитнинг ҳали очилмаган сир-асрори бисёр эди.



# ОҲАНРАБО

## У ИНСОНИЯТНИ НЕГА ЎЗИГА ҲАНУЗ МАҲЛИЁ ЭТИБ КЕЛМОҚДА?

бир томони тортувчи, бир томони ўзаро итариувчи бўлиб қолаверган. Нима учун шундай, деб роса бош қотирганмиз. Кейинроқ бу саволга «Болалар энциклопедияси»дан жавоб топган эдим. Бунга «Ампер гипотезасига кўра, модданинг кичик зарралари — атомлар, молекулалар ёки уларнинг гуруҳлари ичида айланиб қолувчи элементар берк тоқлар сабабчи» экан. Катта синфларда физиканинг сирли ва мўъжизавий оламига кириб келганимда яна саволлар пайдо бўлди. Магнитдан электромагнитнинг фарқи нима ва улардан нима мақсадларда, қайси ўринларда фойдаланилади? Ана шу каби масалалар табиатнинг бу ҳодисасини ўрганиш борасидаги изланишлар тарихига назар солишга ундайди.

### ИЗЛАНИШЛАР ВА ИХТИРОЛАР

Табиатнинг ўзига хос хосиятли бу тоши ҳақида илк бор юнон физиги ва файласуфи Фалес милоддан аввалги VI асрда ёзиб қолдирган. Ана шундай қадим тарихга эга жисмни илмий жиҳатдан ўрганиш эса биринчи марта XIII асрда Петр Перегрин томонидан олиб борилган. Унинг илмий из-

1600 йили инглиз шифокори У.Гильбертнинг «Магнит, магнит жисмлари ва улкан магнит — Ер ҳақида» китоби нашр қилинди. Айниқса, унинг магнит кутблари ҳаракатларини кучайтириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақидаги тадқиқоти аҳамиятли бўлди.

1820 йили даниялик физик Ханс Кристиан Эрстед ўқувчиларига электр токи ҳақидаги маърузасида мавзунини яхшироқ тушунириш учун амалий тажриба ҳам ўтказди. Тадқиқот пайтида электр токи ўтаётган ўтказгич ёнида игнага ўрнатилган магнит мили бўлган. Занжирга ток улаганда магнит мили ҳаракатланади. Ана шундан кейин ҳар қандай ўтказгичдан электр токи ўтганда, унинг атрофида магнит майдони ҳосил бўлиши аниқланган.

Бу воқеадан сўнг электр токи ва магнит ўртасида кўплаб тадқиқотлар ўтказилди. Табиийки, икки ҳодиса ўртасидаги ўзаро алоқанинг аниқланиши ўз даврида улкан қийматга эга бўлган кашфиёт эди. Бу каби физик тажрибалар техника тарраққиётида катта ва муҳим роль ўйнади.

Эрстеднинг ихтироси билан танишган француз физиги Доминик Франсуа Араго ҳам илмий изланишни давом эттириб, тажрибалар ўтказа бошлади. У ўтказгич симни ёғоч ўзакка ўраб, ғалтак ясаган ва ундан ток ўтказиб, анча кучли магнит майдонини ҳосил қилади. Араго кузатувларининг моҳияти токнинг магнит ҳосил қила олиш имкони борлигини исботлаб берганида намоён бўлади. Ана шу йўсинда фанга электромагнит тушунчаси кириб келади. Шунингдек, биринчи электромагнит қурилма И.Стержен томонидан ясалгани мактаб

дарслариданоқ бизга маълум.

Бу ҳодисани тўғри тушуниш ва тушунириш француз физиги Андре Амперга насиб этди. У электр ва магнит ўртасидаги ички алоқани ўрганди. Ампер ўз тажрибаларида спирал ўтказгичлардан фойдаланди ва уларни соленоид (магнит майдони ҳосил қиладиган махсус спирал) деб атади. 1820 йилнинг сентябрида Франция Фанлар академиясига ўзининг илмий хулосаларини тақдим қилди. Ҳозиргача унинг изланишлари маҳсуллари физика фанида катта қизиқиш билан ўрганилади.

Бугун магнит ҳодисаси ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилган. Квантнинг элементар зарралар ҳаракати ва уларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги назариясида молекулалар орасида ҳам электромагнит майдони борлиги исботланган. Шунинг учун фанда электрон энг содда ва кичик магнитлар деб ҳисобланади. Оҳанрабонинг борган сари фантехникада аҳамияти ошиб бормоқда.

### ТОРТИШ ҚОНУНИ: УНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?


Ҳар куни фойдаланадиган буюмларимизнинг деярли барчасида магнит ёки магнит хоссаларини ўзлаштирган металллар борлигини унутмаслик даркор. Биз ҳар куни ишлатадиган техник буюмлар, уйдаги жиҳозлару, ҳатто болалар ўйнаётган ўйинчоқда ҳам магнит ҳодисаси мавжуд. Биргина мисол: қаттиқ дискда ҳам ахборотлар юпқа магнитли қопламага ёзилади. Оддий диск, VHS кассета каби техник воситалар «магнитли ахборот ташувчилар» деб аталади. Магнитли ахборот та-

шувчилар магнит тасмали ғалтакни ўзида мужассамлаштирган. Ахборотларни ушбу воситаларга сақлаш жараёнида тасвирли ва овозли ахборот кодлаштирилади ва тасмада магнитли қоплама сифатида пайдо бўлади.

Шунингдек, оддий телевизор ва компьютерлар мониторини ишлаб чиқаришда электромагнит қонунидан фойдаланилади. Бундан ташқари, радиокарнай ва микрофонлар учун ҳам «темир тортувчи»нинг аҳамияти катта. Аксарият радиокарнайларда барқарор магнит ишлатилади. Ахир, бир пайтлар тилимизга кириб келган магнитофон, видеомагнитофон каби атамаларнинг ўзи ҳам «темир тортувчи»нинг қийматини кўрсатиб турибди. Ҳатто тиббиётда, хусусан, кардиологияда магнит ўзининг муносиб ўрнига эга. Эйтиборлиси, электромагнитдан заводларда улкан ва оғир деталларни бир жойдан иккинчи жойга ташишда ҳам унумли фойдаланилади. Сим билан ўралган темир ғалтақдан ток ўтказиш орқали ҳосил қилинган электромагнитли плитага темир буюмлар ёпишиб қолади ҳамда шу йўсинда юклар ўз манзилига етказилади.

Бугун олимлар тортиш кучи бўйича магнитдан ҳам юқори тортишиш кучига эга бирикмалар яратишга муваффақ бўлган. Шулардан бири кобальтнинг платина ёки самарий билан ҳосил қилинган қотишмасидан ясалади. Бундай ғайриоддий магнит ўзидан бир неча баробар катта бўлган буюмларни ҳам кўтара оладиган қувватга эга. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, технологик ривожланиш ана шу йўсинда жадаллашиб борар экан, магнит ва тортишиш қонунининг аҳамияти бундан-да ошиб бориши, шубҳасиз. Қўлимиздаги ажабтовур «сирли тош» замирида бутун инсониятни «кафти»да тутиб турган она Замин физик ҳодисаларининг кашф этилишига сабаб бўлган тортишиш қонуни моҳияти, туб асоси мужассамлиги ҳақида ўйласак, ўз-ўзидан оҳанрабонинг «оҳанрабо»си икки қарра ортади.

Санобар ЖУМАНОВА тийёрлади.



## ТЎРТТА ТУГМАЛИ КЛАВИАТУРА

12та териш тугмаси mavjud телефонларнинг клавишлари бир пайтлар одамларга хабар ёзиш жараёнида қийинчилик туғдиргани рост. Ажабланарлиси, бу борадаги кўникма тезда шаклланди. Аммо матн териш учун мўлжалланган янги мослама тўғрисида гап кетганда, бирор фикр айтишга иккиланиб қоламиз.

Citta.com сайтида берилган маълумотларга кўра, канадалик ишлаб чиқарувчилар «Kee4 Keyboard» номли янги матн териш мосламасини таклиф қилишяпти. Қизиқ томони унинг бор-йўғи тўртта тугмаси mavjud бўлиб, шу орқали барча ҳарф, сон ва maxsus белгиларни териш, шунингдек, оддий клавиатурадаги каби бир тилдан бoshqасига кўчиш имкони бор. Бунга клавишлар бир неча белгиларни ўзида мужассамлаштирганлиги туфайли эришилган. Масалан, лотинчадаги барча ҳарфлар атиги икки марта босиш билан кодлаштирилади. Ундан фойдаланиш учун эса тугмаларни босиш сони ва тўхташ керак бўлган жойларини эслаб қолса, кифоя. Тартибни эсда сақлаш телефонлардаги каби осон кечиши кутилмоқда.

4та клавишдан 2тасини ишлатиш орқали 6та белгини кодлаштириш, тартибни ҳисобга олган ҳолда белгилар сонини 12тагача чиқариш, шунингдек тартибни яна ўзгартириш билан 24та белги ҳосил қилиш мумкин. Бир тугмани тўрт мартадан босиш имкониятни янада кенгайтиради. Кўринганидек, бутунлай етарли ҳарфлар тўпламини ҳосил қилиш имкони пайдо бўлмоқда. Адашмаслик учун биринчи бўлиб босиш керак бўлган тугмачага «—», иккинчисига «=» ёзувлари ҳам ёзилган.

Клавиатура етарли даражада ихчам ва муҳими, битта қўлда ишлаш имкони бор. Бундан мосламани турли ҳолатларда қўллаш мумкин. Янги қурилма ўз соҳибига қатор қулайликлар туғдиради. Биринчиси унинг ҳажман кичиклигидир. Ҳатто «Kee4 Keyboard»ни истаган компьютер ёки смартфонга симсиз улаш ҳам мумкин. Бу мослама тараққиёт яратаётган яна бир қулайлик бўлса, ажаб эмас.

## ОЙНА ТЎКИЛИБ КЕТМАСИН

«Napoorol» номидаги олмон компанияси ва турк ихтирочилардан иборат гуруҳ шу пайтгача фақат тасаввурдагина mavjud бўлган маҳсулот — суяқ ойнани яратишди. Бизга маълум бўлган барча ойналар аморф (кристалл тузилишга эга бўлмаган) ва қаттиқ супер-материаллардан тайёрланган ҳамда барча sanoat соҳаларида улардан кенг фойдаланилади.

Motherboard.tv сайтида берилган маълумотларга кўра, аэрозолли суяқ ойна ҳаммаси бўлиб 100 наномертли (15—30 молекула) ҳажмда бўлиб, сув юкмайдиган қопламаси ҳам бор. Ингичка қоплама сабабли ойна ҳаво ўтказилади. Муҳими, қоплама атроф-муҳит учун хавфсиз. Ҳатто уни оддий сув ёки салфетка билан тозалаш мумкин.

Ихтиро бактерияларни қувиб чиқаради, сув ва чангни юқтирмайди, юқори даражадаги иссиқлик ва совуқликдан асрайди. Ультратринафша нурлари ва ҳатто кислоталардан сақлашига нима дейсиз? Мазкур кашфиёт қайси соҳаларда қўлланилиши ва суяқ ойна нималарга қодирлиги борасида фаразлар ишлаб чиқилмоқда, ҳатто баъзи соҳаларда тажрибалар ўтказилмоқда.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети бўш (вакант) ўринларга доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади**

► Оммавий алоқалар ва реклама; социология кафедралари доцентларига.

► Макроиктисодиёт; туркология ва факультетлараро ўзбек тили; табиий йўналишлар бўйича чет тиллар; рус тили; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар; жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчиларига.

► Педагогик-психология ва педагогика; сиёсатшунослик; немис филологияси; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедралари ўқитувчиларига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати; (факультет илмий котиби томонидан имзоланиб, тасдиқланган ҳолда)
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;



Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзилгоҳ: Тошкент-174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими. Тел: 246-03-92



Олмониядаги озиқ-овқат компанияси озиқ-овқат sanoatида ҳам унинг хусусиятларидан фойдаланиш мумкинлигини тажриба ёрдамида кўрсатиб берди. Стериллик даражаси юқори бўлганидан ойна ойлари мобайнида тоза туради. Шунинг учун, касалхоналарда имплантат, катетер, шво каби тиббий асбобларни сақлаш ва ишлаб чиқаришда ҳам мазкур ойнадан фойдаланиш кераклиги таъкидланди. Хуллас калом, уларнинг тозалаш вазифаси ҳар соҳада қўл келиши муқаррар.

Суяқ ойнанинг ҳавони ўтказиши эса хонадондаги ўсимликлар, шунингдек, инсон учун ҳам фойдали. Уйларда бундай ойнанинг maxsus қоплама ёрдамида ўрнатилиши ювиш ва тозалаш ишларидан кутқаради.

Суяқ ойна бугунги кундаги нанотехнологик маҳсулотлар ичида энг аҳамиятлисидир. Мазкур кашфиёт муаллифларидан бирининг таъкидлашича, тез орада суяқ ойна ҳамма соҳаларда ишлатила бошлайди ва асосан ультрабинафша нурлари, чанг ва иссиқ, микробли инфекцияларга қарши курашишга хизмат қилади.

## «ЗАМОНАВИЙ» ИЕРОГЛИФЛАР

Япония маориф вазирлиги охириги 30 йил ичида биринчи марта иероглифлар рўйхатига ўзгартиш киритишга қарор қилган. Кандзи алифбоси (рўйхати) иероглифлари 5тага қисқарган ва янги 196таси яратилган. Бу ҳақида «Bloomberg» хабар берди.

Шу пайтгача япон ўқувчилари ўрта мактабларда ўрганувчи иероглифлар рўйхатидаги белгилар ҳаммаси бўлиб 2136тани ташкил этарди. Сўнги марта рўйхатга ўзгаришлар 1981 йилда киритилганди. Ислохотнинг зарурлигини тушунтирар экан, вазирлик мутасаддилари ўтган вақт давомида ҳаёт жадал тарзда ўзгарганини, лексикологияга янги атамалар кириб келганини ва уларни тасвирлаш учун қўшимча белгилар зарур бўлаётганини таъкидлашди.

Вазирликнинг maxsus илмий гуруҳи 2005 йилдан бошлаб ҳар хил манбалар: китоб, интернет ва ОАВларда кўзга ташланган 45 мингта янги белги ичидан кераклиларини танлаб олиш билан машғул бўлди. Эътиборлиси, улар орасида интернет фойдаланувчилари қолдирган шарҳ ва изоҳлардан олинган белгилар ҳам бўлган.

Янги иероглифлардан бири «утсу» (utsu) депрессия (руҳий тушкунлик)ни билдиради. Аммо уни ифода қилиш бироз қийинчилик туғдиради. У «бор-йўғи» 29та ингичка чизиқдан иборат. «Монме» (monme) иероглифи эса рўйхатдан ўчирилган. Бу сўз Японияда ўлчов бирлигини билдирган, аммо анчадан бери қўлланилмаётган эди.

Ўзи аслида «Кандзи» — «Joyo Kanji» атамаси сўзма-сўз айнан таржима қилинадиган бўлса, «Хань(сулола номи) ҳарфлари» маъносини беради. Эрамиздан аввалги V асрда Хитойдан кириб келган алифбони англатишда мазкур сўз қўлланилган. Бундан ташқари, Японияда бўғинлар ҳосил қилишга асосланган «хирагана» ва «катакана» номли maxsus алифболар ҳам бор.

Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.

**ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**  
**ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ**  
**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ**  
**ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ**

### “ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ”

Олий ўқув юртларига кирувчиларни ўқишига таклиф қилади.

“Тайёрлов бўлими”да барча фанлар бўйича машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тест синовлари асосида олиб борадилар. Машғулотлар куннинг иккинчи ярмида соат 15:00 дан 18:00 гача ўтказилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.

Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Машғулотлар 2010 йил 10-декабрдан бошланади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 255-55-77

Манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-ёни 2-01 хона “ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида"ги ПК-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши, моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли ҳамда 2002 йил 25 январдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида"ги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2011-2012 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчиларга ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синфларида ўқийдиган фарзандларига киши кийим-бошлар, касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуролларини харид қилиш учун

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур тендер савдолари очик турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1-синф ўқувчилари учун ўқувчилар сумкаси, кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синф ўқувчилари учун киши кийим-бошларни ишлаб чиқариш, шунингдек, 1-синф ўқувчилари ҳамда яқка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуролларини, буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул келадиган маҳсулот етказиб бериш имкониятига эга Ўзбекистон Республикасидаги барча юридик шахслар, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

буюртмачи, унинг ҳудудий халқ таълими органлари ҳамда "Ўқув таълим-таъминот" Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муд-

дат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

буюртмачи, унинг ҳудудий халқ таълими органлари ва унинг ҳудудий халқ таълими бошқармалари ҳамда "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

ўқувчилар сумкаси ва киши кийим-бошлар бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (мазкур маҳсулотлар бўйича ўз тендер таклифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси ва ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационий отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

маҳаллий статистика органлари томонидан талабгорнинг қуйидаги маҳсулот тури: куртка, пойабзал, қалпоқ ва қўлқоп ҳамда ўқувчилар сумкаси бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий монополиядан чиқа-

риш, рақобатни ривожлантириш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий Давлат рўйхатида олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув-далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан

саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг ИНН рақами кўрсатилган бўлиши шарт.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги санасидан бошлаб 20 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига асосан махсус тузилган Ишчи гуруҳи талабгорнинг тендер таклифини бажариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, бинолари, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабгорларнинг бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқади ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Тендер савдоларида қолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш истагида бўлган талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган "Ўқув таълим-таъминот" ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Ишчи орган манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй.  
Тел: (8-371) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (8-371) 267-71-16.**

### Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори баҳолари

Т/Р	Харид қилинадиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда)
<b>1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари</b>				
1	Дафтар (12 варақ)	дона	6 213 756	163
2	Акварель бўёқ (12 рангли)	пачка	496 767	1953
3	Пластелин	пачка	496 767	1302
4	Рангли қалам (12 рангли)	пачка	496 767	1628
5	Оддий қалам	дона	1 005 614	163
6	Пенал	дона	496 767	1628
7	Расм дафтари (12 варақ)	дона	532 819	651
8	Рангли қоғоз тўплами (12 варақ)	тўплам	512 623	651
9	Ручка	дона	532 819	163
10	Ўчирғич (ластик)	дона	995 610	195
11	Елим (клей 21 гр. кам бўлмаган)	дона	502 807	543
12	Ўқувчи сумкаси (ранец)	дона	502 807	10308
<b>Кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синфларида ўқийдиган ўқувчилари учун иссиқ киши кийим-бошлар</b>				
1	Болалар курткеси	дона	263 968	17360
2	Ўсмирлар курткеси	дона	358 733	19530
1	Болалар пойабзали	жуфт	263 968	18445
2	Ўсмирлар пойабзали	жуфт	358 733	20615
1	Болалар қалпоғи ва қўлқопи	комп.	263 968	4883
2	Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи	комп.	358 733	5968

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридан қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

**Ишчи орган банк реквизитлари:** ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ "Ипотека" банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423, ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ 3 фоиз миқдордаги закат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закат суммаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, тендер

таклифларини топширишнинг охириги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади.

Тендер таклифлари 2010 йил 31 декабрь соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

# УЛАР — ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ!

## ОЛИСГА ХОЛИС НИЯТ БИЛАН

2010 йил 15 октябрь. Тошкент халқаро аэропорти. Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси Аргентинада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўл олди. Аслида жаҳон чемпионати 2009 йилнинг кузида Бразилияда ўтказилиши керак эди. Ўша пайтда аксарият терма жамоалар қатори Ўзбекистон делегацияси ҳам хатто чипталарга буюртма бериб қўйганди. Лекин чемпионат бошланишига санокли кунлар қолганда, турли сабабларга кўра мусобақа қолдирилди. Шу тариқа, жаҳон чемпионати 2010 йили Аргентинада ўтказилди. Чемпионат арафасида олдинда турган вазифалар ҳақида ўйлар экан, терма жамоа бош мураббийи беихтиёр жамоаси имкониятларини чамаларди. «Ўзбекистон термаси 2007 йили Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати голиби. Демак, Аргентинада терма жамоага эътибор ўзгача бўлиши шубҳасиз». Аммо шогирдларидан кўнгли тўқ. Айниқса, терма жамоа сардори, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ҳамда «Жасорат» медали соҳиби Абдужамил Шукуровга қараган маҳалда кўз-кўзга тўқнаш келди. Ҳар икки нигоҳ шу онда бири-бирига: «Жаҳон чемпиони бўлиш қийин, уни ҳимоя қилиш эса бундан-да мушкул» дегандек бўлди гўё... Шу лаҳзада терма жамоа бошлиғи-ю, жамоа сардорининг кўнглидан ўтган ўй ҳам уйғун бўлди: биз, албатта, ишончи оқлаймиз...

Бироқ Аргентинага бориш учун аввал Лондонга учиб тўғри келганидан ташқари, 15 кишилик Ўзбекистон делегацияси Лондондаги машҳур «Хитроу» аэропортида нақд 24 соат ушланиб қолди. Чунки Тошкентдан учган самолёт Англия пойтахтига кўнган чоғда Лондондан Буэнос-Айресга йўл олган самолёт ҳавога қўтарилиб бўлганди. Шундан сўнг Ўзбекистон делегацияси Лондон — Париж, Париж — Буэнос-Айрес йўналишидаги самолётларда Аргентинага етиб келди. Ушбу юрт пойтах-

тидан мусобақалар ўтказилган манзилгача бўлган 600 километрлик масофани эса автобусда босиб ўтишди.

Инсон табиати ҳар хил яратилган эмасми, кимдир кўпроқ ёлғиз қолишни истаса, яна кимдир кўпроқ одамлар даврасида бўлишни, улар билан ҳазил-хузул қилишни хоҳлайди. Ҳар икки характер соҳибларининг ҳам бу хислатлари қўл келадиган жараёнлар бўлади. Узоқ масофали йўлларда айнан иккинчи характер эгаларининг хислатига кўпроқ эҳтиёж сезилар экан. Ампутант футболчиларимизнинг Тошкентдан то Аргентинанинг Креспо шаҳригача бўлган олис масофа давомида вужудини ҳорғинлик домига тушириб қўймасликларидан дарво-

қўлга киритишганди. 19 октябрь санасида терма жамоамиз Эрон футболчилари билан ўтган ўйинда муроасага келишди: ҳисоб 0:0. Яна тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 2007 йили Анталияда ўтган жаҳон чемпионатида юртдошларимиз форс футболчиларидан 3:1 ҳисобида устун келганига гувоҳ бўламиз.

Энг муҳими, Ўзбекистон терма жамоаси Аргентинадаги жаҳон чемпионатида ўз гуруҳида 1-ўринни эгаллаб, иккинчи раундга йўлланма олди. Бу раунднинг ҳам «В» гуруҳидан жой олган амалдаги жаҳон чемпиони Сулаймонов бўлди. Шу тариқа оғир ва асабий руҳда ўтган ўйинда 2:1 ҳисобида устун келган юртдошларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ҳар қандай спорт турида голибни галаба билан қутлаш мағлуб томондан катта ирода талаб қилади. Ая шундай иродали спортчиларнинг борлиги — соҳанинг ютуғи, спортнинг тинчлик рамзи эканига далолатдир. Ўзбекистон — Туркия ўйинидан сўнг турк футболчиларидан бири — юртдошларимиз дарвозасига тўп киритган Барриш исмли йигит ўз иродасини намойиш этди. Баҳс давомида асосан ҳимояда ўйнаган Абдужамил Шукуровга нисбатан бир неча бор кўпол муносабатда бўлган бу футболчи ҳакамнинг финал ҳуштаги чалинган лаҳзаларда термамиз сардорини финал йўлланмаси билан табрикларкан, ҳал қилувчи ўйинда Ўзбекистонга мухлислик қилишини билдирибди.

Ярим финалнинг иккинчи жуфтлигида Аргентина терма жамоаси Россия термасини пенальтилар бўйича 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди.

(Давоми 16-бетда.)

## 3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

забон Кудрат Тўраҳўжаев ҳамда ҳимоячи Аъзам Исмаиловнинг ҳазиллари анча фойдали бўлди.

### ЎЙНАМАСДАН ЮТА БОШЛАШДИ...

Жаҳон чемпионати тақвимида кўра, Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли гуруҳдан ўрин олганди. «В» гуруҳида юртдошларимиз кейинги босқичга чиқиш учун Бразилия, Эрон ва Нигерия терма жамоалари қаршилигини енгиши лозим бўларди. Гуруҳ ўйинлари 16 октябрь куни бошланган бўлса, Ўзбекистон терма жамоаси иштирокидаги илк баҳс 17 октябрга белгиланган эди. Айнан шу санада мусобақалар ўтаётган жойга етиб келган амалдаги жаҳон чемпионларининг 1-турдаги рақиби — Нигерия термаси Аргентинага келмагани дастлабки галабани тўқфа этди.

18 октябрь куни улар уч карра жаҳон чемпиони — Бразилияга қарши майдонга тушиб, 1:0 ҳисобида галаба қозондилар. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон терма жамоаси 2007 йилги жаҳон чемпионатида ҳам дастлабки ўйинда Бразилия билан баҳс олиб бориб, 4:2 ҳисобида ишончли галабани

бўлса, 2-турда Бразилияни битта мусобақада иккинчи марта енгишнинг урдасидан чиқишди: ҳисоб 4:2. Учинчи турда Россия билан кечган ўйинда дуранг натижа қайд этилди — 3:3.

Ана энди ҳал қилувчи баҳслар келган эди. Ярим финалда Аргентина Россия билан, Ўзбекистон Туркияга қарши финал йўлланмаси учун майдонга тушиши аниқ бўлди. Туркия терма жамоасининг Ўзбекистон термасида алами борлигини, 2007 йили айнан шу давлатда ўтказилган жаҳон чемпионатининг айни шу босқичи — ярим финалида ўзбек ўғлонлари 2:1 ҳисобида галаба қозонганини, шу боис жуда эҳтиёт бўлиб ўйнашлари лозимлигини Анвар Исмоилов ўйин олдида шогирдларига қаттиқ тайинлади.

### ИРОДА ЗАФАРГА ЧОРЛАЙДИ

23 октябрь. Туркияга қарши ўтган ярим финал ўйини, мураббий айтганидек, шиддатли ва кескин курашлар билан бошланди. Рухий устунлик Ўзбекистон футболчилари томонида эмасми, туркияликлар ўйин бошидаёқ жидду жаҳд билан ҳаракат қилсаларда, уларда шошқалоқлик, бир-бирини тушун-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ҳар қандай халқаро мусобақада она Ўзбекистонимиз шарафи учун майдонга чиқиш бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди, — дейди шахмат бўйича жаҳон чемпиони, XVI ёзги Осиё Ўйинлари голиби Рустам Қосимжонов. — Мамлакатимизда ёшларнинг барча соҳада бўлгани каби спортда ҳам ўз иқтидори ва истеъдодини намойиш қилиши, тажриба, малака ва маҳоратини ошириши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилган. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни ҳамиша шоҳсупа сари бошлайди.

## ВАТАН ШАРАФИ УЧУН КУРАШМОҚ БАХТИ

— Осиё Ўйинларида терма жамоамиз асосан ёшлардан таркиб топган бўлса-да, натижалар салмоқли бўлди, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларга эришяётганига фарзандларимизнинг болалиқдан спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилгани муҳим омил бўлаётир. Ҳамюртларимиз 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига ҳам пухта тайёргарлик кўриб, мухлису мутахассисларимиз ишончини оқлайди, деб ишонамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

### Ҳурматли Норкуват ТЎРАЕВ!

Сизни таваллуд айёмингиз ва қутлуғ 55 ёшингиз билан самимий табриклаймиз. Таҳририятнинг Сурхондарё вилояти бўйича махсус муҳбири сифатида вилоятда рўй бераётган янгиликларни, ижобий ўзгаришларни халқимизга етказишда катта ҳисса қўшиб келмоқдасиз.

Келгусидаги журналистик фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз. Касбдошларингиз ва оила аъзоларингиз бахтига ҳамиша соғ ва саломат бўлинг.

«Ma'rifat»- «Учитель  
Ўзбекистана» газеталари  
жамоаси



### ЭЪЛОН!

Сергели тиббиёт коллежи маъмурияти коллеж ошхонасига танлов асосида ошпаз ва ошхона хизматчиларини ишга таклиф қилади.

Манзил: Сергели тумани,  
Қўйлик, 5-мавзе  
Тел: 293-91-12, 290-14-57

Низомий номидаги ТДПУнинг ректорати, жамоат ташкилотлари «Бошланғич таълим» факультети «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси профессори, педагогика фанлари номзоди **Аида Гайковна ГРИГОРЬЯНЦ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

## Тошкент «Меҳр-шафқат» касб-хунар коллежи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 184-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида коллеж ошхонасига хизмат кўрсатиш бўйича тендер танловлари ўтказилишини маълум қилади.

Талабгорлар Яккасарой тумани В.Воҳидов кўчаси  
116-уйга мурожаат этишлари мумкин. Тел: 254-05-89

# УЛАР — ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ!



(Давоми. Боши 15-бетда.)

## «ФИНАЛГА ЧИКДИНГМИ, ЮТ!»

Таниқли спортчилардан бири шундай деган: «Финалга чиқдингми, ют. Чунки, гарчи кумуш медаль олиш ҳам катта ютуқ бўлса-да, у барибир финалда ютқазганинг эвазига келган медаль бўлиб қолаверади».

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев футболчиларни жаҳон чемпионатининг финалига йўл олгани билан қутлаш баробарида йигитларни бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлаб тургани, шу боис финалда ютмаса бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Гарчи мезбонларга қарши ўйнаш ҳар қачон ҳар қимга осон кечмаганини билишса-да, терма жамоамиз футболчилари ҳам ҳал қилувчи ўйинда бор куч-қуввати, тажрибасини аямасликка сўз беришди. Қолаверса, ушбу чемпионатга келиш олдида делегация аъзоларининг барчаси хаёлидан ўтказган фикр яна мияни банд этди: «Жаҳон чемпиони бўлиш қийин, уни ҳимоя қилиш эса, бундан-да мушкул».

27 октябрь санасида ана шу

кутилган мушкул ўйин бошланди. Стадионга келган ўн мингдан зиёд томошабин, шубҳасиз, мезбон — Аргентинани қўллаб-қувватлаб турди. Айтиш жоизки, ўз матонатла-

Ўзбекистон — икки карра жаҳон чемпиони!

Ампутантлар халқаро футбол федерацияси президенти Адемир Круз де Алмейда: «Ўзбекистоннинг чемпион бўлишига ишонгандим», деди финал баҳсидан сўнг.

Бу лаҳзаларни унутиб бўларканми? Футболи санъат даражасига кўтарилган Бразилия ва Аргентина терма жамоалари футболчилари Ўзбекистон футболчиларига ҳавас қилмоқда!

Бу лаҳзаларни унутиш осонми? Футболи санъат даражасига етган Бразилия терма жамоаси вакиллари Ўзбекистон терма жамоаси ўғлонларининг футболкаларини эс-далиққа сўрашяпти!

Жанубий Америкаю, Европанинг бир қатор терма жамоалари мураббийлари ўзбе-



юртдан келаётган яқинларини кутиб олишга чиққанлар ҳам юзида табассум билан қараб туришибди.

Бу — ҳали икки карра жаҳон чемпионларини алқашлар-

## «ХЕТ-ТРИК» САРИ ОЛФА, ЙИГИТЛАР!

Инсон сийланган жойида азиз экани рост. Одамнинг меҳр қуршовида, мамлакат аҳли тилида бўлишида эса унинг инсонийлик фазилатлари билан бирга кишининг ўз касбини эъзозлаши ҳам муҳим ўрин тутди. Ўз касбини улғулаганни касби ҳам улғулаши шундан. Юртдошларимиз орасида гарчи тўрт мучаси соғ бўлмаса-да, маънавий дунёси соғлом инсонлар ҳам борки, баъзида уларга ҳаваси келади кишининг. Спорт — ҳар бир кишидан матонат, метин ирода ва, албатта, ҳар қандай ҳолатга руҳан тайёргарликни талаб этади. Ногирон спортчилардан эса бу борада икки ҳисса ортиқ ҳаракат талаб қилинади. Демакки, ногиронларнинг спорт билан машғул бўлишларининг ўзи улкан жасоратдир.

Юртимизда ногирон футболчилардан иборат илк жамоа 1987 йили «Матонат» номи билан ташкил қилинганди. Айни пайтда «Байналмилал» номи билан фаолият юритаётган бу жамоа турли нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, доимий равишда совриндорлар сафидан жой олиб келмоқда. Ўзбекистон терма жамоасининг асосини ана шу клуб аъзолари ташкил этади. Терма жамоа легионерлари сони эса уч нафар бўлиб, улар Россия клубларида тўп суришади. Аргентинадаги жаҳон чемпионатидан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларида Туркиянинг бир неча клубидан таклифлар тушганини инобатга олсак, 2012 йили Японияда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси яна бир бор жаҳон чемпиони номини муносиб ҳимоя қилишига ишониш мумкин.

«Хет-трик» сари олға, ўзбегим ўғлонлари!

Шерали НИШОНОВ, Халқ таълими аълочиси



рени яна бир бор намоийш этиб, ўзбек ўғлонлари мезбонларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Юртдошларимизга галаба келтирган иккита голга Ҳайдарали Турсунбоев муаллифлик қилган бўлса, битта гол Қудрат Худойкулов ҳисобига ёзилди.


кстонлик футболчиларни ўз мамлакатлари чемпионатлари-га таклиф қилиб туришибди!

## ВАТАН ВА СПОРТЧИ БИР-БИРИНИ ҚАДРЛАСА...

30 октябрь тонги. Жаҳон чемпионларини кутиб олиш учун Тошкент халқаро аэропортига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Миллий олимпия кўмитаси мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, делегациянинг оила аъзолари чиқишган. Ана, аэропортнинг чиқиш йўлагига икки карра жаҳон чемпионлари кўриниш берди.

Спортчи учун жонажон юртга ёруғ юз билан қайтиш нақадар ёқимли! Чемпионларни қуршаб олганларга аэропорт ходимлари ҳам, қайсидир

нинг ҳаммаси эмас эди. Зеро, Ватанини қадрлаганни юрти ҳам эъзозлайди. 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеқди. Яъни, футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатишгани учун — терма жамоа бош мураббийи Рустам Қориев ҳамда футболчи Ҳайдарали Турсунбоев «Дўстлик» ордени, футболчилар — Муҳаммадазиз Арапов, Умарали Рустамов ҳамда Қудрат Тўрахўжаев «Жасорат» медаллари билан мукофотландилар.



<p><b>Ma'rifat</b></p> <p><b>ТА'СИС</b></p> <p><b>ЕТУВЧИЛАР:</b></p> <p>Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p><b>Bosh muharrir:</b></p> <p><b>Abdusamat RAHIMOV</b></p>	<p><b>Gazeta</b></p> <p><b>Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</b></p>	<p>«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p>
	<p><b>Tahrir hay'ati:</b> Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV</p>	<p><b>INDEKS:</b> 149, 150. G-1122.</p> <p><b>Tiraji</b> 26533.</p> <p><b>Hajmi</b> 4 bosma taboq.</p> <p><b>Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi</b> A-3.</p>	<p><b>MANZILIMIZ:</b> 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p><b>E-mail:</b> info@marifat.uz</p> <p><b>Web-site:</b> www.marifat.uz</p>	<p><b>Dizaynerlar</b></p> <p>Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p>
		<p><b>Navbatchi muharrir:</b></p> <p>Baxtiyor YOQUBOV.</p> <p>Navbatchi: Sherali NAMOZOV</p>	<p><b>TELEFONLAR:</b> mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00.</p> <p>Topshirildi — 22.30</p> <p>ЎЗА яқини — 22.05</p>